БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 78 (569)

20 АПРЕЛЬ ЖУМА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқини илҳомлантируучи ва раҳбарлик қилучи улуғ куч—Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

1956 йил 1 Май муносабати блан КПСС Марказий Комитетининг

ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро пролетар бирдамлиги куни, барча мамлакатлардаги ишчиларнинг қардошлик куни — 1 Май!

Пролетар интернационализми байроғини баланд кўтарайлик! Бутун дун'ё пролетарлари, бирлашингиз!

2. Тинчлик учун, демократия учун, социализм учун курашаётган барча халқларга қардошлик саломи!

3. Бутун дун'ё меҳнаткашлари! Урушнинг олдини олиш мумкин ва лозим! Уруш хавфига қарши, тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамкорлик учун кураш байроғини баланд кўтарайлик!

4. Бутун дун'ё меҳнаткашлари! Қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтиришга эришингиз! Атом, водород қуролларини ва бошқа ялпи қирғин қуролларини тақиқлашни талаб қилингиз! Атом энергияси инсониятнинг тинч тараққиётига хизмат қилсин!

5. Тинчлик, демократия ва халқлар мустақиллиги учун курашда коммунистлар, социалистлар ва барча прогрессив кучлар ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамлансин!

6. Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашлари! Социализм мамлакатларининг улуғ дўстлигини ҳормай-толмай мустаҳкамлангиз, мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликни ривожлантирингиз ва мустаҳкамлангиз!

7. Ўз мамлакатида социалистик ўзгартишларни муваффақият блан амалга ошираётган улуғ Хитой халқига қардошлик саломи!

Яшасин Хитой Халқ Республикаси! Бутун дун'ёда тинчликнинг қудратли фактори бўлган совет ва хитой халқларининг бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги яшнасин!

8. Халқ хўжалигини ва маданиятни янада юксалтириш учун, халқ оммасининг фаровонлигини тинмай ошириш учун, тинчлик ва социализм қуриш учун фидокорона курашаётган Польша, Чехословакия, Венгрия, Болгария, Руминия, Албания, Мўғулистон Халқ Республикаси халқ-демократик давлатларининг меҳнаткашларига қардошлик саломи!

9. Халқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантириш учун, тинчлик учун, ўз мамлакатларини демократик негизда миллий жиҳатдан бирлаштириш учун курашаётган Корея Халқ-Демократик Республикасининг ва Вьетнам Демократик Республикасининг қаҳрамон халқларига қардошлик саломи!

10. Милитаризмнинг қайта тикланишига қарши, ҳар иккала герман давлатини яқинлаштирмоқ учун, тинч, демократик асосда ўз Ватанини бирлаштирмоқ учун курашаётган бутун Германия тинчликсевар кучларининг таянчи бўлган Германия Демократик Республикаси яшасин!

Герман ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик Европадаги тинчлик манфаатлари йўлида мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

11. Социализм қураётган Югославия Федератив Халқ Республикасининг халқларига қардошлик саломи! Яшасин Совет Иттифоқи блан Югославия халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

12. Ўз Ватанини тараққий этдириш учун, Осиёда ва бутун дун'ёда тинчлик учун курашаётган улуғ ҳинд халқига қардошлик саломи! Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

13. Англия, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Совет Иттифоқи халқларининг халқаро кескинликни юмшатиш ва давлатларнинг тинч-тотув бўлиб яшаши учун, Европада коллектив хавфсизликни ва бутун дун'ёда мустаҳкам тинчликни та'минлаш учун курашдаги дўстлиги ва ҳамкорлиги яшасин!

14. Совет Иттифоқи ва Италия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамлансин!

15. Совет Иттифоқи блан Финляндия Республикаси ўртасидаги тенг ҳуқуқлиликка, ўзаро ишончга ва халқларни ҳурматлашга асосланган дўстлик ва ҳамкорлик яшасин!

16. Совет Иттифоқи блан Швеция, Норвегия, Дания, Исландия ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

17. Яшасин Совет Иттифоқи халқлари блан бетараф, мустақил ва демократик Австрия халқи ўртасидаги Европада тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

18. Милитаризмнинг қайта тикланишига қарши, миллий мустақиллик учун, ўз мамлакатини демократик асосда ривожлантириш учун курашаётган япон халқига салом!

19. Мустамлака зулмининг кишанларини улоқтириб ташлаган, тинчлик, эркинлик ва ўз миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Шарқ халқларига қизғин салом!

20. Империалистик зулмга қарши, ўз эркинлиги ва миллий мустақиллиги учун курашаётган мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқларига салом!

21. Яшасин турли ижтимоий системаларнинг тинч-тотув бўлиб яшашини та'минловчи ленинча сиёсат — Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг бош йўли, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ҳамма мамлакатлар блан иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш сиёсати!

22. Совет Армияси ва Флотининг жангчилари! Ҳарбий ва сиёсий билимларингизни сабот блан оширингиз, ҳарбий маҳоратингизни такомиллаштирингиз, ҳозирги замон жанговар техникасини ва қуролларини эгалланглиз!

Яшасин ва мустаҳкамлансин тинчликнинг ва Ватанимиз хавфсизлигининг посбони, ғалабалар блан шуҳрат қозонган шавкатли Совет Қуролли Кучлари!

23. Яшасин ва мустаҳкамлансин ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонларнинг ишчилар синфи раҳбарлигидаги иттифоқи — совет тузумининг бузилмас негизи!

24. Яшасин ва яшнасин Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлиги — кўп миллатли социалистик давлатимиз куч ва қудратининг манбаи!

25. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагига тағин ҳам зич бўлиб жипслашайлик, бутун кучимизни ва ижодий ғайратимизни КПСС XX с'ездининг тарихий қарорларини амалга оширишга, коммунистик жамият қуришнинг улуғ ишига сафарбар қилайлик!

26. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Партия XX с'ездининг олтинчи бешйиллик план тўғрисидаги Директивалари — коммунизм қуришни давом этдиришнинг, халқ хўжалигини тағин ҳам кенг миқ'ёсда юксалтиришнинг, совет халқи фаровонлигини оширишнинг жанговар программасидир!

Олтинчи бешйилликни муваффақиятли бажариш учун умумхалқ курашини авж олдирайлик!

27. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Партия ва Ҳукуматнинг бутун халқ хўжалигини янада юксалтириш, халқнинг моддий ва маданий фаровонлигини ошириш, Ватанимиз қудратини ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш асоси бўлган оғир саноатни устун даражада ривожлантиришга қаратилган сиёсатини қунт блан амалга оширингиз!

28. Социалистик саноат ходимлари! Техникани тараққий этдириш ва меҳнат унумдорлигини бутун чоралар блан ошириш учун курашингиз! Ватанимиз ва чет эл фани ҳамда техникасининг энг янги муваффақиятларини, корхоналарнинг илғор тажрибаларини ишлабчиқаришга жорий қилингиз!

29. Ишчилар, инженерлар ва техниклар, мастерлар! Меҳнатнинг ва ишлабчиқаришнинг ташкил қилинишини яхшилангиз, меҳнат интизомини бутун чоралар блан мустаҳкамлангиз, корхоналарнинг бир ме'ёрда ишлашини та'минлангиз! Иқтисодий тежаш учун курашингиз, маҳсулот сифатини яхшилангиз ва таннархини камайтирингиз!

1956 йил планини муддатидан олдин бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдирайлик!

30. Кўмир саноатининг ходимлари! Ишлабчиқариш планларини муддатидан олдин бажариш учун курашингиз, кўмир чиқаришнинг ва кўмирни бойитишнинг илғор методларини жорий қилингиз, техникадан фойдаланишни яхшиланглиз! Янги шахталар ва разрезларни тезроқ қуринглиз!

Халқ хўжалигига кўпроқ кўмир берайлик!

31. Нефть саноатининг ходимлари! Нефть чиқаришнинг ва нефтьни қайта ишлашнинг тез сур'атлар блан ўсишини та'минлангиз! Нефть ва газ чиқадиган янги жойларни топингиз ва тезроқ ўзлаштирингиз! Нефть қудуқларини пармалаш тезлигини оширингиз!

Мамлакатга юқори сифатли нефть, газ ва нефть маҳсулотларини кўпроқ берайлик!

32. Совет энергетиклари! Илғор техникани кенг жорий қилингиз! Янги энергетика қувватларини тезроқ ишга туширингиз, электростанциялар қурилишининг сифатини яхшиланглиз ва қимматини пасайтирингиз! Ёқилғининг сарфланишини камайтирингиз!

33. Совет металлурглари! Ишлабчиқариш техникасини ва технологиясини такомиллаштирингиз, сифатли металл ишлаб чиқаришни бутун чоралар блан кўпайтирингиз!

Халқ хўжалигига чўян, пўлат, прокат ва рангли металларни кўпроқ берайлик!

34. Машинасозлик ва приборсозлик корхоналарининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Замонавий ускуналар, механизмлар, станоклар, прессларни, приборлар, автоматика воситалари, тракторлар, комбайнлар ва автомобильларнинг янги турларини тезроқ яратингиз ва ўзлаштирингиз! Ишлаб турган ускуналарни такомиллаштиришни та'минлангиз!

Халқ хўжалигининг ҳамма тормоқларини илғор техника блан қуроллантирайлик!

35. Электротехника ва радиотехника саноатининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Ускуналар, аппаратлар, приборлар ва юқори сифатли бошқа буюмларнинг энг янги турларини ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз!

36. Химия саноатининг ходимлари! Минерал ўғитлар, синтетик хомаш'ё, материаллар ва бошқа химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва уларнинг ассортиментини кенгайтирингиз!

37. Бинокор ишчилар, инженерлар ва техниклар! Индустриал методларни кенг жорий қилингиз, меҳнат унумдорлигини оширингиз, қурилишнинг юксак сифатли бўлишига ва қурилиш қимматини камайтиришга эришингиз!

Янги саноат корхоналарини, совхозларни, машина-трактор станцияларини, уй-жой бинолариии, мактаблар, касалхоналар, болалар муассасалари ва маданий муассасаларни қуриш сур'атларини тезлаштирингиз!

38. Бинокорлик материаллари саноатининг ходимлари! Ватанимиз қурилишлари учун цемент, йиғма темир-бетон конструкциялар, янги бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз!

39. Урмон, ёғочсозлик ва қоғоз саноатининг ходимлари! Ёғоч тайёрлашни ва ташиб олишни, қоғоз ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз! Машиналар ва механизмлардан тўла фойдаланингиз, меҳнат унумдорлигини оширингиз!

Мамлакатга ёғоч ва тахталарни, юқори сифатли қоғоз ва мебельларни кўпроқ берайлик!

40. Енгил саноат ва тўқимачилик саноати ходимлари! Товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз ва уларнинг ассортиментини кенгайтирингиз, хомаш'ёдан тежаб фойдаланингиз!

Олтинчи бешйилликда аҳоли учун а'ло сифатли ва чиройлик газламаларни, яхши кийим-кечакларни, пишиқ ва нафис пойафзал ҳамда бошқа товарларни кўпроқ берайлик!

41. Озиқ-овқат товарлари саноатининг ходимлари! Овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бутун чоралар блан кенгайтирингиз ва уларнинг сифатини яхшиланглиз!

Аҳоли учун кўпроқ қанд-шакар, ёғ, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар берингиз!

42. Балиқ саноати ходимлари! Балиқ овлашни ва балиқ маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз! Балиқ овлаш кемаларидан ва қуроллардан яхшироқ фойдаланингиз! Маҳсулот сифатини оширингиз ва таннархини камайтирингиз!

43. Колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари! КПСС XX с'ездининг тарихий қарорларини тезроқ амалга ошириш учун, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг ҳамма тормоқларини кескин равишда юксалтириш учун курашингиз!

Мамлакатга аҳоли учун кўпроқ дон, гўшт, сут, жун ва бошқа маҳсулотлар ҳамда саноат учун кўпроқ хомаш'ё берайлик!

44. Қишлоқ хўжалик ходимлари! Бутун қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг асоси бўлган дон хўжалигини янада юксалтириш учун курашингиз!

Ғалланинг ҳар йилги ялпи ҳосилини 11 миллиард пудга етказайлик!

45. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштираётган қишлоқ хўжалик ходимларига қизғин салом!

Мамлакатнинг шарқий районларида ғалла етиштиришнинг жуда катта базасини вужудга келтирайлик!

46. Колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари! Дон етиштиришни кўпайтиришнинг ва чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтиришнинг энг муҳим манбаи бўлган маккажўхори экишни бутун чоралар блан кенгайтирингиз ва унинг ҳосилдорлигини оширингиз!

47. Қишлоқ хўжалик ходимлари! Кўкламги экиш ишларини муваффақиятли ўтказайлик, экинларни яхши парвариш қилишни ва 1956 йилда мўл ҳосил олишни та'минлайлик!

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини топшириш юзасидан давлат олдидаги мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини та'минлайлик!

48. Колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари! Қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг маданиятини оширингиз, фан муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини колхозларда ва совхозларда кенг жорий қилингиз!

Қишлоқ хўжалик ишларига яроқли ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда меҳнат ва маблағларни энг кам сарфлаган ҳолда, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириб беришни кўпайтирайлик!

49. Колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари! Жамоат чорвачилигини ҳартомонлама ривожлантирингиз ва чорва молларнинг маҳсулдорлигини оширингиз!

Мамлакатга чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ берайлик!

50. Колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари! Пахта, зиғир, қанд лавлаги, бошқа техника экинлари, сабзавот ва картошка етиштиришни кенгайтирингиз ва уларнинг ҳосилдорлигини оширингиз!

51. Қишлоқ хўжалик ходимлари! Техникадан тўла фойдаланиш учун, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тормоқларига комплекс механизацияни ва электрлаштиришни жорий қилиш учун қунт блан курашингиз!

52. Колхозчилар! Колхоз ишлабчиқаришини ташкил этишда ва артель ишларини бошқаришда кўпроқ ижодий ташаббус кўрсатингиз, меҳнат интизомини мустаҳкамлангиз, меҳнат унумдорлигини оширингиз!

Колхозларнинг жамоат хўжалигини ҳартомонлама ривожлантиришни та'минлайлик!

53. Машина-трактор станцияларининг ходимлари! Колхозларда барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва жамоат чорвачилигининг маҳсулдорлигини ошириш учун, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш планларининг бажарилиши учун курашингиз!

Тракторлар, комбайнлар ва бошқа машиналардан яхшироқ фойдаланингиз, трактор ишларининг таннархини камайтирингиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун бўладиган сарфларни камайтирингиз!

54. Совхозларнинг ходимлари! Ер майдонларидан яхшироқ фойдаланингиз, далаларнинг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширингиз! Ишлабчиқаришни ташкил этишни ва техникадан фойдаланишни яхшиланглиз!

Ҳамма совхозларни намунали корхоналарга, кўп товар маҳсулот берадиган ва рентабельли корхоналарга айлантирайлик!

55. Маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперацияси ходимлари! Халқ исте'мол қиладиган товарлар, хўжалик буюмлари ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз! Маҳаллий хомаш'ёдан яхшироқ фойдаланингиз, маҳсулотнинг сифатини оширингиз ва таннархини камайтирингиз! Маиший хизмат кўрсатадиган корхоналар сонини кўпайтирингиз ва уларнинг ишларини яхшиланглиз!

56. Давлат ва кооператив савдоси ходимлари! Совет савдоси маданиятини оширингиз! Меҳнаткашларнинг товарларга бўлган талабларини тўлиқ қондирингиз! Умумий овқатланиш корхоналарининг ишларини тубдан яхшилашга эришингиз!

57. Темир йўл транспорти ходимлари! Юкларни тўхтовсиз ташиб беришни та'минлангиз! Пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшиланглиз! Электровозларни ва тепловозларни кенг жорий қилингиз, транспортдаги механизация ва автоматизация даражасини оширингиз!

58. Денгиз ва дар'ё флоти ходимлари! Юкларни ташиб беришни бутун чоралар блан кўпайтирингиз, пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшиланглиз! Янги техникани ҳамда флот ва портлардан фойдаланишнинг илғор методларини дадиллик блан жорий қилингиз!

1956 йил навигациясини намунали ўтказайлик!

59. Автомобиль транспорти ва тош йўлларнинг ходимлари! Юкларни ташиб беришни кўпайтирингиз! Пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшиланглиз! Автомобильлардан унумли фойдаланиш ва юк ташиш таннархини камайтириш учун курашингиз!

Йўлларни намунали тартибда сақлангиз, янги йўллар қуришни кенгайтирингиз!

60. Алоқа ходимлари! Алоқа воситаларини ҳормай-толмай ривожлантирингиз ва такомиллаштирингиз! Почта, телеграф, телефон, радио, телевидениенинг нуқсонсиз ишлашига эришингиз! Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшиланглиз!

61. Совет муассасаларининг ходимлари! Совет давлат аппаратининг ишларида ленинча принципларга риоя қилинишни учун, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш учун курашингиз, бюрократизмни ва сансалорликни қат'ий равишда тугатингиз, меҳнаткашларнинг талабларига ва эҳтиёжларига сезгирлик блан қулоқ солингиз!

62. Илмий-текшириш муассасаларининг ва олий ўқув юртларининг ходимлари! Совет фанини олға силжитингиз, мутахассислар тайёрлашни яхшиланглиз, мамлакатимиз техникасини тараққий этдиришда фаннинг ролини оширингиз!

63. Адабиёт ва сан'ат ходимлари! Адабиёт ва сан'атнинг юксак ғоявийлиги учун курашингиз, бадиий маҳоратингизни ҳормай-толмай такомиллаштирингиз! Улуғ халқимизга муносиб асарлар яратингиз!

64. Халқ маорифи ходимлари! Болаларни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини оширингиз, мактабларни политехникалаш учун курашингиз! Болаларни совет Ватанига муҳаббат ва садоқат, халқлар ўртасида дўстлик руҳида тарбияланглиз!

Социалистик жамиятнинг билимдон, маданиятли ва меҳнатсевар гражданларини, коммунизмнинг актив қуручиларини тайёрлангиз!

65. Медицина ходимлари! Халқ соғлиғини сақлаш ишларини яхшиланглиз ва ривожлантирингиз, даволаш ва санитария муассасаларининг ишларида маданиятни оширингиз! Медицина фанининг муваффақиятларини практикага жорий қилингиз!

66. Совет касаба союзлари! Олтинчи бешйиллик планни муддатидан олдин бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдирингиз!

Ишлабчиқариш новаторларининг тажрибаларини ёйингиз! Ишчилар ва хизматчиларнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини янада кўтариш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилингиз! Ишлабчиқариш кенгашларидан, хўжалик ходимларининг активларидан ва ишлабчиқаришни бошқаришда ишчиларни иштирок қилдиришнинг бошқа формаларидан кенг фойдаланингиз!

Яшасин совет касаба союзлари — коммунизм мактаби!

67. Совет хотин-қизлари! Халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида, совет халқининг бахт ва саодати учун болаларни тарбиялашдек олижаноб ишда янги муваффақиятларга эришингиз!

Яшасин совет хотин-қизлари — коммунизмнинг актив қуручилари!

68. Яшасин коммунизм қуручи ёшларнинг илғор отряди, совет ёшларининг ташқилотчиси, Коммунистик партиянинг актив ёрдамчиси ва резерви бўлган Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи!

69. Йигитлар ва қизлар, шонли совет ёшларимиз! Хўжалик ва маданий қурилишда активроқ қатнашингиз! Илғор фан ва техника муваффақиятларини ўрганингиз, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқариши билимларини эгалланглиз!

Мамлакатимизда коммунизм улуғ ишининг ғалабаси учун курашда саботли ва дадил бўлингиз!

70. Пионерлар ва мактаб ўқучилари! Билимларни қунт ва сабот блан эгалланглиз! Меҳнатсевар ва интизомли бўлингиз, ўқишда муваффақиятларга эришингиз! Мамлакатимизда коммунизмнинг актив қуручилари бўлишга тайёрланингиз!

71. Коммунистлар ва комсомоллар! КПСС XX с'ездининг қарорларини бажариш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз! Марксизм-ленинизм назариясини қунт блан эгалланглиз! Халқ хўжалигида техникани тараққий этдириш учун, меҳнат унумдорлигини ошириш учун, совет халқининг фаровонлигини тинмай ўстириш учун, СССРда коммунизм қуриш учун курашингиз!

72. Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлигининг қал'аси, бутун дун'ёда тинчликнинг мустаҳкам таянчи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

73. Яшасин коммунизм қураётган улуғ совет халқи!

74. Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқини илҳомлантируучи ва раҳбарлик қилучи улуғ куч — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

75. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлиги остида коммунизм ғалабаси сари, олға!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Англияга келдилар

ПОРТСМУТ, 18 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг А'зоси Н. С. Хрушчев «Оржоникидзе» крейсерида бугун эрталаб Портсмутга келдилар.

Эрталаб соат 9 да очиқ денгизда «Оржоникидзе» крейсерини ва уни кузатиб келаётган «Смотрящий» ва «Совершенный» эскадра миноносларини Англиянинг «Виго» эскадра миноноси кутиб олди. 13 марта бирйўла ўқ узиб салют берилди — бу блан «Виго» эскадра миноноси совет корабльлари отрядининг қўмондони контр-адмирал Котовни табриклади. Совет корабльлари жавоб салюти бердилар. Совет корабльлари «Виго» блан бирга Портсмутга—Буюк Британиянинг муҳим ҳарбий-денгиз базасига қараб йўл олдилар.

Соат 10 дан 40 минут ўтганда «Оржоникидзе» крейсери ва уни кузатиб келучи корабльлар Портсмутнинг ташқи рейдига етиб келадилар. Совет ҳарбий корабльларидаги тўплардан 21 марта ўқ узиб, миллатларнинг традицион салюти берилади. Саусси Касл қирғоқ фортидан жавоб салюти эшитилади. Шундан кейин 19 марта бирйўла ўқ узиб салют берилади. Совет ҳарбий корабльлари Портсмут ҳарбий-денгиз базасининг қўмондони флот адмирали сэр Жорж Крисини табриклайдилар.

Портсмутдаги крепость тўплари жавоб салюти берадилар.

«Оржоникидзе» крейсери Портсмут портининг жанубий темир йўл причалига келиб тўхтайди, бу ерда Н. А. Булганин блан Н. С. Хрушчевни кутиб олиш учун расмий вакиллар тўпланган эди.

Совет раҳбарлари денгиздаги сафарнинг муваффақиятли ўтганлиги учун совет корабльлари отрядининг қўмондони контр-адмирал Котовга ташаккур билдириб, гилам ёйилган трапдан қирғоққа тушадилар. Соат 11 дан 40 минут ўтди. СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин шарафига причаллар ёнида турган инглиз авианоси «Булверк» тўплардан 19 марта бирйўла ўқ узиб салют берилади.

Пристанъда трап олдида Н. А. Булганин блан Н. С. Хрушчевни Буюк Британия денгиз министри лорд Килкеннин, ташқи ишлар бўйича давлат министри лорд Рединг, Портсмут ҳарбий-денгиз базасининг қўмондони флот адмирали сэр Жорж Криси, Буюк Британиянинг Совет Иттифоқидаги элчиси сэр Уильям Хайтер кутиб олдилар ва табриклайдилар.

Меҳмонларни совет томонидан СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари А. А. Громико, СССР нинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малик, Ташқи савдо министрининг ўринбосари П. Н. Кумикин, Ташқи ишлар министрлигининг коллегия а'зоси Л. Ф. Ильичев, СССР Ташқи ишлар министрлиги Иккинчи Европа бўлимининг мудири В. Я. Ерофеев, СССР нинг Буюк Британиядаги савдо вакили В. А. Каменский, СССРнинг Буюк Британиядаги ҳарбий атташеси генерал-майор А. С. Рогов, СССРнинг ҳарбий-денгиз атташеси биринчи ранг капитан Н. П. Елисеенко, СССРнинг ҳарбий-ҳаво атташеси полковник А. М. Константинов, СССРнинг Буюк Британиядаги элчихонасининг маслаҳатчиси П. М. Чернишев кутиб олдилар.

Н. А. Булганин пристанъда саф тортиб турган денгизчилар фахрий қоровули ёнидан ўтади. Оркестр ҳарбий маршни ижро этади.

Меҳмонлар ўзларини кутиб олучилар блан қисқа суҳбат қилганларидан кейин машиналарга тушадилар ва порт вокзалига томон йўл оладилар.

Портсмут портининг қирғоқларида минглаб инглизлар тўпланган. Улар совет меҳмонларини қўстона хитоблар блан самимий табриклайдилар. Портсмутнинг қирғоқларида ва денгизга чиқадиган кўчаларида ҳамда унинг атрофидаги Саусси деган жойда турган минг-минглаб кишилар совет корабльларининг келишини кузатиб турдилар.

Совет меҳмонлари ва уларнинг ҳамроҳлари Портсмутдан поезд блан Лондонга жўнаб кетдилар.

Портсмут ҳарбий-денгиз базасининг қўмондони флот адмирали Криси совет меҳмонларини Лондонга кузатиб қўйиб, «Оржоникидзе» флагман крейсерига қайтиб келди. Марш садолари остида Криси корабль палубасида саф тортиб турган совет денгизчиларининг олдидан ўтади.

Совет корабльлари отрядининг қўмондони контр-адмирал Котов адмирал Крисига ҳамроҳ бўлди.

* * *

ПОРТСМУТ, 18 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг А'зоси Н. С. Хрушчев Буюк Британия Ҳукуматининг таклифига мувофиқ, бугун Англияга келдилар. Н. А. Булганин блан Н. С. Хрушчев тушган «Оржоникидзе крейсери СССР Министрлар Совети Раисининг байроғи остида гриничь вақти блан соат 11 дан 01 минут ўтганда Портсмут гаванига кирди. Н. А. Булганин блан Н. С. Хрушчев соат 11 дан 44 минут ўтганда Англия тупроғига қадам қўйдилар.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Лондонга келдилар

ЛОНДОН, 18 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Олий Совети Президиумининг А'зоси Н. С. Хрушчев ва уларнинг ҳамроҳлари махсус поездда гриничь вақти блан соат 14 дан 15 минут ўтганда Лондоннинг Виктория вокзалига келдилар. Совет раҳбарларини Буюк Британия Бош Министри сэр Антони Иден ва Ташқи Ишлар Министри Селвин Ллойд кутиб олдилар.

* * *

ЛОНДОН, 18 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** Лондондаги «Виктория» вокзали олдидаги майдонда минг-минглаб инглизлар совет раҳбарларини кутиб олмоқ учун тўпландилар.

Лондон вақти блан соат 14 — 15 минутда (Москва вақти блан 17—15 минутда) поезд вокзал платформасига кириб келади. Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ва уларнинг ҳамроҳлари платформага тушишлари блан уларни Буюк Британия бош министри сэр Антони Иден, ташқи ишлар министри Селвин Ллойд, Лондондаги дипломатик корпус оқсоқоли Норвегия элчиси Пребенсен, Буюк Британиядаги СССР Элчихонасининг вакиллари кутиб олди.

Н. А. Булганин ва сэр Антони Иден микрофон олдида нутқ сўзладилар.

Н. А. БУЛГАНИН ВА Н. С. ХРУШЧЕВНИ Лондонда кутиб олиш вақтида Антони Иденнинг сўзлаган нутқи

Мен Англияда СССР Министрлар Советининг Раиси Булганин жанобларини ва СССР Олий Совети Президиумининг А'зоси Хрушчев жанобларини табриклаётганим блан хурсандман. Ҳукуматлар бошлиқларининг Женевадаги учрашуви вақтида меҳмонларимизни таклиф қилганлигим сабабли, улар бу ерга сафар қилиб келдилар. Мен шу таклифни қилган вақтдан бери халқаро миқ'ёсда кўп воқиалар рўй берди, лекин мен шунга аминманки ва меҳмонларимиз ҳам менинг фикримга қўшиладилар, деб ўйлайманки, уларнинг бу сафари натижасида биз Англия-Совет муносабатларига, шунингдек бутун дун'ёда тинчлик ва равнақ бўлишига тааллуқли кўп масалалар устида Булганин ва Хрушчев блан суҳбатлар ўтказишни умид қиламиз.

Бу—Совет Иттифоқи раҳбарларининг Англияга биринчи келишидир. Мен уларни табриклаш блан биз ўз фаолиятимиз ва қарорларимиз туфайли мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларни яхшилаймиз, деб умид қиламан.

Н. А. Булганин жавоб нутқи сўзлади.

Н. А. БУЛГАНИННИНГ Лондонга келганида сўзлаган нутқи

Ҳурматли бош министр жаноблари! Жаноблар! Сэр Антони Иденнинг лутфан қилган таклифи блан сизнинг ажойиб мамлакатингизга келдик.

Англия тупроғига қадам қўяр эканмиз, совет халқи, Совет ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимиздан Ҳазрат Олийлари ҳукуматига ва Буюк Британия халқига қизғин салом топширамиз.

Совет халқи Британия халқига катта ҳурмат блан қарайди, унинг маданиятини ҳамда фан ва техника соҳасидаги катта муваффақиятларини юксак даражада қадрлайди. Совет кишилари ўтган уруш вақтида умумий душманга қарши олиб борилган курашнинг оғир йилларидаги жанговар дўстлигимизнинг хотираларини унутгани йўқ.

Совет ҳукумати Англия блан, худди шунингдек АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатлар блан дўстона муносабатлар ўрнатишга интилади. Халқларимизнинг манфаатлари ва умумий тинчликни мустаҳкамлаш иши мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни яхшилашни талаб қилади. Кейинги вақтларда бу соҳада бирмунча ишлар қилинди, броқ, олдимизда ҳали катта ва, эҳтимолки, енгил бўлмаган йўл турибди, бу йўлни босиб ўтишимиз керак.

Мамлакатларимизда турли социал-сиёсий системалар мавжуддир. Лекин бир планетада яшашимиз зарурлигини оқилона тушунганимиз тақдирда, давлат тузумидаги тафовут бизнинг яхши қўшнилар каби яшашимизга, актив ҳамкорлик қилишимизга ва муносабатларимизни яхшилашимизга тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Ўзаро кенг иқтисодий алоқаларни тиклаш, савдо муносабатларимизни кенгайтириш, шунингдек техника, фан ва маданиятнинг турли соҳаларидаги муваффақиятлар тўғрисида бўлган тажрибаларни ва информацияларни ўзаро айирбошлашни ташкил этиш ҳар иккала мамлакат манфаатлари учун зарурдир.

Мана шуларнинг ҳаммасини давлатларнинг тинч-тотув бўлиб яшаши ва ҳамкорлик қилиши принципларининг амалда турмушга оширилиши деб биламиз.

Совет Иттифоқи тинчликсевар мамлакатдир. Халқимиз ўзининг тинч яратувчилик меҳнатини уруш ҳечқачон бузмаслигига роят манфаатдордир. Шу сабабли, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун кураш давлатимиз ташқи сиёсатининг асосини ташкил қилади.

Шу нарса шак-шубҳасиздирки, вайрон қилучи уруш даҳшатларини ва офатларини бошидан кечирган Британия халқи ҳам тинчликда ва хавфсизликда яшашни истайди.

Совет ва Британия халқларининг тинчликка бўлган қизғин интилиши, урушнинг олдини олишга ва зўр бериб қуролланишни тўхтатишга уларнинг манфаатдор эканлиги мамлакатларимиз ўртасида дўстликни ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантирмоқ учун бақувват негиз бўлаолади.

Бизнинг бу ерга келишимиз ҳамда мамлакатингизнинг давлат арбоблари блан шахсий алоқаларда бўлишимиз халқаро кескинликни юмшатиш, Буюк Британия блан Совет Иттифоқи ўртасида катта ҳамжиҳатлик ўрнатиш ва муносабатларни янада яхшилаш ишларига ёрдам беради, деб умид қиламиз.

* * *

Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ва уларнинг ҳамроҳлари вокзалдан чиқиб автомашиналарга ўтирадилар. Тўпланиб турган лондонлилар совет раҳбар арбобларини чин кўнгилдан табриклайдилар.

Машиналар «Клэриж» меҳмонхонасига йўл олади (Бу меҳмонхона совет раҳбарларининг визити вақтида уларнинг резиденцияси бўлади). Совет меҳмонлари меҳмонхонага борлётганида, Англия пойтахти аҳолисидан бўлган минг-минглаб кишилар уларни йўлда табриклайдилар.

Буюк Британия ташқи ишлар министри Селвин Ллойд ҳузурида Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат

ЛОНДОН, 18 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун кечқурун «Клэриж» отелида Буюк Британия ташқи ишлар министри Селвин Ллойд Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Буюк Британия бош министри сэр Антони Иден, Ташқи ишлар бўйича давлат министри лорд Рединг, Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси сэр Уильям Хайтер ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда совет томонидан Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевдан ташқари яна Н. А. Михайлов, А. А. Громико, Я. А. Малик ва бошқалар ҳам ҳозир бўлдилар.

ССР Иттифоқи Министрлар Советида

СССР халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида атом энергиясини кенг қўлланиш ҳамда атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишда СССРнинг бошқа мамлакатлар блан ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида СССР Министрлар Совети ҳузурида атом энергиясидан фойдаланиш Бош бошқармаси ташкил этилди.

Бош бошқармага электростанциялар учун ва энергия қуввати блан ишлайдиган установкалар учун атом реакторлари ишлаб чиқиш, шунингдек атом энергиясидан фойдаланишнинг бошқа йўлларини қидириш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш вазифалари юклатилди.

Ўрток Ефим Павлович Славский СССР Министрлар Совети ҳузуридаги атом энергиясидан фойдаланиш Бош бошқармасига бошлиқ қилиб сайланди.

* * *

СССР Министрлар Совети меҳнаткашларнинг истакларини назарга олиб, 1956 йилда дам олиш кунини 29 апрельни якшанба кунидан 30 апрель душанба кунига кўчиришга қарор қилди.

ТРЕТЬЯКОВ ГАЛЕРЕЯСИГА 100 ЙИЛ

Давлат Третьяков галереяси ташкил этилган кунга шу йил май ойида 100 йил тўлади.

ССР Иттифоқи Министрлар Совети тасвирий сан'атни ривожлантириш соҳасида галереянинг катта хизматларини тақдирлаб, галереянинг 100 йиллигини ўтказучи Бутуниттифоқ комитетини тузишга қарор қилди. Комитетнинг раиси қилиб В. В. Иогансон тасдиқланди. Комитет составига қуйидагилар кирди: М. В. Алпатов, М. И. Артамонов, Э. И. Афанасенко, В. Н. Бакшеев, В. К. Билиницкий — Бируля, Н. И. Бобровников, Ф. С. Богородский, А. П. Боткина — Третьякова, В. В. Волков, А. М. Герасимов, С. В. Герасимов, И. Э. Грабарь, С. А. Григорьев, У. М. Жапаридзе, В. П. Ефанов, А. И. Жмуйдзинавичус, Н. Н. Жуков, А. И. Замошкин, А. Г. Казиатко, Э. Калниньш, В. С. Кеменов, А. П. Кибальников, С. Т. Коненков, П. Н. Крилов, М. В. Куприянов, П. И. Лебедев, Н. А. Михайлов, Ф. А. Модоров, Г. А. Недошивин, Г. М. Нэлепп, С. М. Орлов, С. Д. Орлов, И. Г. Петровский, А. А. Пластов, М. С. Сарьян, В. А. Серов, Н. А. Соколов, У. Тансиқбоев, Н. В. Томский, К. А. Федин, Г. А. Шапорин, Д. А. Шмаринов, Э. Я. Эйнман, К. Ф. Юон, А. А. Яблочкина.

Шунингдек 12 майда Москвада шонли кунга бағишланган тантанали мажлис ўтказишга ҳам қарор қилинди.

Комитетнинг биринчи мажлиси бўлди. Мажлисда юбилейни ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқилди. (ТАСС).

ССРДА В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИНИНГ НАШР ЭТИЛИШИ

Совет кишилари Коммунистик партиянинг ва жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 86 йиллигини кенг нишонлаш учун зўр тайёргарлик кўрилмоқда. Партия кутубхонасида Коммунистик партия ва Совет давлати асосчиси В. И. Ленин революцион фаолиятига бағишланган фотомонтаж ва унинг қимматли асарлари қўйилган витриналар ташкил этилди.

Партия кутубхонасидаги лекторлар группаси шаҳар саноат корхоналари, маданий-оқартув муассасалари ва маҳаллаларда В. И. Ленининг революцион фаолиятига оид лекция ва суҳбатлар ўтказмоқда. **З. МУҲАМЕДЖОНОВ.**

Владимир Ильичнинг айрим асарлари кўп марта қайта нашр этилди. «Ёшлар союзларининг вазифалари» брошюраси Совет Иттифоқида 364 марта, «Империализм капитализмнинг энг юқори босқичидир» асари 192 марта, «Давлат ва революция» асари 179 марта, «Нима қилмоқ керак?» асари 151 марта, «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» асари 142 марта, «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» 131 марта, «Бир қадам олға, икки қадам орқага» асари 118 марта нашр этилган. «Материализм ва эмпириокритицизм». «Буюк почин», «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари». «Миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқи тўғрисида» асарлари ва бошқа асарлари СССР даги ва чет эллардаги халқларнинг тилларида ўнлаб марта нашр этилди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти В. И. Ленин асарларининг айрим масалалар бўйича тўпламларини нашр этиш ишини давом эттирмоқда. Бу йил Владимир Ильич Ленин тўғрисида унинг революцион курашдаги сафдошларининг, қариндошларининг, Ленинни яқиндан таниган ва у блан узоқ вақт бирга ишлаган кишиларнинг хотиралари тўпламини нашр этиш мўлжалланади. Тўплам икки қисмдан иборат бўлади. (ТАСС).

ЛЕНИН КУНЛАРИ ОЛДИДАН

Тошкент шаҳар партия кутубхонасида пролетариатнинг улуғ доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 86 йиллигини кенг нишонлаш учун зўр тайёргарлик кўрилмоқда. Партия кутубхонасида Коммунистик партия ва Совет давлати асосчиси В. И. Ленин революцион фаолиятига бағишланган фотомонтаж ва унинг қимматли асарлари қўйилган витриналар ташкил этилди.

Партия кутубхонасидаги лекторлар группаси шаҳар саноат корхоналари, маданий-оқартув муассасалари ва маҳаллаларда В. И. Ленининг революцион фаолиятига оид лекция ва суҳбатлар ўтказмоқда. **З. МУҲАМЕДЖОНОВ.**

Сталин номли электрохимия комбинати, «Средазхиммаш», «Чирчиксельмаш» ва «Электрощчит» заводларининг ишчилари, инженер ва техник ходимлари ўртасида пропагандистлар В. И. Ленининг ҳаёти ва революцион фаолияти ҳақида мазмунли лекция ва докладлар ўқимоқдалар.

Шунингдек шаҳар кутубхоналарида улуғ доҳининг революцион фаолиятига бағишланган фото-монтажлар ва В. И. Ленининг геннал асарлари қўйилган китоб витриналари ташкил қилинган.

Т. УРУНОВ.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН ҚУННИНГ 86 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

В. И. Ленин Халқ оммасининг ижодкорлик роли тўғрисида

Коммунистик партиянинг жамиятни революцион йўл блан қайта қуришга қаратилган фаолияти халққа, халқнинг қудратли ғайратига ва битмас-туганмас ижодий активлигига чуқур ишонч блан суғорилган. Партиямиз марксизм-ленинизмнинг, халқ тарихини яратучидир, ижтимоий тараққиётнинг ҳал қилучи кучидир, деган та'лимотига оғишмай амал қилиб келмоқда.

Халқ оммасининг тарихдаги роли масаласи марксизм-ленинизм назарияси ва снёсатининг энг муҳим, туб масалаларидан биридир. Илмий коммунизмнинг асосчилари бўлган Маркс ва Энгельс, жамият тараққиётида айрим улуғ шахслар ҳал қилучи роль ўйнайди, деган идеалистик назарияларнинг бутунлай пуч назария эканлигини кўрсатиб бердилар. Жамият тарихи аввало меҳнаткашлар оммасининг тарихидир. Тарихни материалистик тарзда тушунишни Маркс ва Энгельс кашф қилдилар. Бу эса жамият тараққиёти айрим шахсларнинг иродасига ёки хоҳишига боғлиқ бўлмаган мутлақо қонуниятли процесс эканлигини очиқ кўрсатишга имконият берди.

Халқ оммасининг тарихдаги ҳал қилучи роли масаласи В. И. Ленин асарларида янада ҳартомонлама ишлаб чиқилди. Ленининг бутун та'лимоти ижтимоий тараққиётда халқ оммасининг улуғ ижодкорлик ролини э'тироф қилишга асосланган та'лимотдир. Ленин халқнинг чинакам йўлбошчиси бўлди, халқ блан яқиндан боғланган, халқнинг турмушини яхши билган ва ишчилар синфига чексиз ишонган чинакам йўлбошчи бўлди. Владимир Ильичнинг акаси—Александр подшога суиқасд тайёрлашда қатнашганлиги учун қатл этилган вақтда Ленин 17 яшар йигит эди. Ленин ўша вақтдаёқ:

— Йўқ, биз бундай йўлдан бормаймиз! — деб қат'ий айтган эди.

Ленин, самодержавиега қарши курашнинг бирдан-бир тўғри йўли — айрим қаҳрамонларга эмас, балки меҳнаткашлар оммасига, омманинг революцион онгига ва революцион ғайратига таянучи **оммавий** кураш йўли эканлигини ўша вақтдаёқ тушунган эди.

В. И. Ленин «қаҳрамонлар ва овом халқ» тўғрисида народниклар томонидан, сўнгра эса эсерлар томонидан тарғиб қилинган субектив-идеалистик назарияга қат'ият блан қарши бўлиб чиқди. Бу назария тарихни фақат «қаҳрамонлар» яратади, халқ оммаси эса уларнинг қўлида кўр-кўрона қуролдир, деб тарғиб қилар эди. Ленин ишчилар синфининг илғор отряди бўлган, меҳнаткашлар партияси бўлган улуғ коммунистлар партиясини барпо қилди. Коммунистлар партияси омма блан узилмас алоқада бўлиб, ўзига куч йиғучи партиядир, халқнинг сиёсий йўлбошчисидир.

«Халққа ишонган, жўш уриб турган халқ ижодиёти булоғидан сув ичган кишигина, — деб кўрсатган эди Ленин, — ғалаба қилаолади ва ҳокиматни ўз қўлида тутиб қолаолади» (Асарлар, 26 том, 297 бет).

Жуда катта социалистик ўзгаришларни амалга оширишда, коммунизм қуришда совет кишилари сарфлаётган улуғ ғайрат халқ тарихининг чинакам яратучиси эканлиги тўғрисидаги Ленин идеяларининг кучи ва ҳаётийлигини кўрсатиб турган ёркин далилдир.

* * *

Революциялар даврида халқ оммасининг роли ниҳоят даражада ортади. Бу даврда омма янги ижтимоий тартибларни яратучи бўлиб майдонга чиқади ва шу тартибларни ўрнатиш учун олиб борган ўзининг кураши блан тарихнинг боришини тезлаштиради.

Бу ҳол пролетар революцияларида, социалистик революцияларда айниқса яққол намоён бўлади. Меҳнаткашлар оммаси ҳечбир революцияда Улуғ Октябрь социалистик революциясида бўлганидек ҳал қилучи роль ўйнамаган эди. Илгариги революцияларнинг ҳаммаси тарихан чекланган революциялар эди, чунки бу революцияларда бутун иш эксплуатациянинг бир формасини иккинчи формаси блан, эксплуататорларнинг бир синфини иккинчиси блан алмаштиришдангина иборат бўлган эди. Октябрь революцияси ҳарқандай эксплуатацияни тугатиш, синфсиз, коммунистик жамият қуриш вазифасини илгари сурди.

Буржуа революцияларида меҳнаткашларнинг асосий вазифаси вайрон қилиш ишларини бажаришдан: феодализмни, монархияни, ўрта аср тартибларини емиришдан иборат бўлди, янги жамият ташкил этишдан иборат яратучилик ишини ёки ижобий ишни мулкдор, буржуа озчилиги бажарди. Аксинча, социалистик революцияда эзилган омма пролетариат ва унинг партияси бошчилигида фақат емириш ишинигина бажармй қолмасдан, шу блан бирга янги ижтимоий давлат тузумини, ишлабчиқаришнинг янги усулини, янги маданиятни барпо қилишдан иборат яратучилик, ижодкорлик ролини ҳам бажарди.

В. И. Ленин уқдириб айтган эдики, миллион-миллион меҳнаткашларни турмушнинг янги формаларини қуришга жалб қилмасдан туриб, жамиятни социалистик асосда қайта қуриб бўлмайди. «Тарихий ҳаракатларнинг кўлами қанча кенг бўлса, — деган эди Ленин, — бунда давра қанча кенг олинса, бу ҳаракатларда қатнашучи кишиларнинг сони шунчалик кўп бўлади ва, аксинча, биз амалга оширмоқчи бўлган ўзгартишлар қанчалик чуқур бўлса, бу ишга одамларни шунчалик кўпроқ қизиқтирмоқ керак ва кўпроқ онгли муносабатда бўлишларига эришмоқ керак, янгидан-янги миллионлар ва ўнларча миллионларни Совет ҳокимияти орқали давлат қурилишида актив иштирок қилишга қўзғатди» (Асарлар, 31 том, 528 бет).

Жамиятимизда халқ оммасининг кучайган роли шу омманинг ижодий фаолияти учун мисли кўрилмаган кенг йўл очиб берган социалистик ишлабчиқариш усули блан белгиланади. Социализм халқнинг кучини асоратдан қутқарди, халқни янги турмушнинг чинакам ижодкорига айлантирди.

Социалистик экономиканинг капиталистик экономикадан энг асосий фарқи шуки, социалистик экономика стихияли равишда вужудга келмайди. Ишчи ва деҳқонлар актив ва онгли равишда қатнашмасалар, улар ижодий меҳнатнинг ҳамма соҳаларида ташаббус кўрсатмасалар, социалистик экономикани қуриб бўлмайди.

Ленин омманинг жонли ижодиётини янги жамият қуришнинг асосий фактори, деб атаган эди. У айтган эдики, социализм ҳоҳиридан берилган кўрсатма блан барпо бўлмайди, расмий-бюрократларча автоматизм социализм руҳига бутунлай ётдир. «Биз, — деган эди Ленин, — Маркс ёки марксистлар социализмга бориш йўлини ипидан-игнасигача биладилар, деб да'во қилмаймиз. Бу бема'ни гапчиликдир. Биз бу йўлнинг қай томонга боришини биламиз, биз қандай синфий кучлар бу йўлдан олиб боришини биламиз, унинг конкрет, амалий томонини эса фақат **миллионлар** ишга тутинган вақтларида шу миллионларнинг **тажрибасига** кўрсатиб беради». (Асарлар, 25 том, 309 бет).

Совет давлатининг бутун тарихи Ленининг бу доно сўзларини тасдиқлаб бератётган ёркин далилдир. Коммунистик партия раҳбарлигидаги меҳнаткашларнинг ижодий активлиги СССРда улуғ социалистик ўзгаришларни мисли сиз қисқа муддатларда амалга оширишни та'минлаган ҳал қилучи куч бўлди.

Масалан, ма'лумки, мамлакатимизни социалистик индустрлаштириш йўлида нақадар катта қийинчиликлар турган эди. Мамлакатимизнинг асрлардан бери давом қилиб келаётган техника-иқтисодий қолоқлигини бартараф қилиш ва оғир саноатни янгидан барпо этиш зарур бўлди. Бу тарихий вазифа 12—13 йил ичида муваффақият блан ҳал қилинди. Ваҳоланки, капиталистик мамлакатларда индустрлаштиришни амалга оширмоқ учун 50—100 йил вақт керак бўлган эди. Тарихий ривожланиш сур'атларининг бундай тез борганлигига сабаб аввало шу бўлдики, Коммунистик партия индустрлаштириш идеяси блан совет халқини руҳлантираолди, уни бешйилликларни бажариш учун курашга қўзғатаолди, меҳнаткашларнинг қудратли меҳнат активлигини вужудга келтираолди.

Совет халқининг улуғ тарихий роли немис-фашист босқинчиларга қарши Ватан уруши йилларида аниқ ва зўр куч блан намоён бўлди. Бу уруш эксплуатация зулмидан озод қилинган, ўз эркинлигини ва мустақиллигини, ўзининг улуғ социалистик ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган халқнинг қаҳрамонлик ва фидокорлик соҳасида қандай му'жизалар яратишга қодир эканлигини кўрсатди.

В. И. Ленин та'лим бериб айтган эдики, ҳаққоний иш учун, илғор, прогрессив идеялар учун курашучи халқ оммасигина ҳозирги замон урушларида ҳал қилучи роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам Улуғ Ватан урушини пропаганда адабиётимизда, шунингдек бадиий асарларда тасвирлаган вақтда бу урушдаги ғалабаларимизни фақат бир кишининг, я'ни И. В. Сталининг куч ва ғайрати туфайли вужудга келган ғалаба деб кўрсатиш марксизм-ленинизмдан, тарихий ҳақиқатдан ошкора чекинишдир. Ҳақиқатда эса, биз бу ғалабаларга бутун совет халқининг ғайрати туфайли, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлиги туфайли, шонли Қуролли Кучларимизнинг, солдатларимиз ва матросларимизнинг, офицерларимиз ва генералларимизнинг ғайрати туфайли эришдик.

* * *

Социализм ва коммунизм қуришда омманинг меҳнат активлиги тўхтовсиз ошиб бормоқда. Коммунизм, деб та'лим берган эди Ленин, капитализмдан халос бўлган миллионларнинг ижодий меҳнатидан ўсиб чиқади. Омманинг меҳнат соҳасидаги активлиги социалистик мусобақада ўзининг ёркин ифодасини топмоқда. Социалистик мусобақа бизнинг мамлакатимизда умумхалқ мусобақаси бўлиб қолди.

В. И. Ленин социалистик мусобақани давлатнинг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблаб, бу ишга жуда катта аҳамият берган эди. Граждан урушн йилларида бошланган биринчи коммунистик шанбаликлар ҳозирги вақтда миллионларнинг мусобақасига айланиб кетди—совет жамиятида мисли кўрилмаган даражада кенг қулоч ёйган социалистик мусобақа мана шундай йўлни босиб ўтди. Социалистик мусобақа — халқ ижодиётининг, меҳнаткашлар ишлабчиқариш ташаббускорлиги ва фаолиятининг энг кенг равишдаги, чинакам оммавий кўринишидир.

Социалистик мусобақа техникани тараққий эттириш блан, янги ижтимоий тузумнинг ғалабаси учун энг муҳим шарт бўлган юксак меҳнат унумдорлиги учун кураш блан чамбарчас боғланган. Ленин айтган эдики, коммунизм «илғор техникадан фойдаланадиган яркин, онгли, бирлашган ишчиларнинг капиталистик меҳнат унумига қараганда жуда юқори меҳнат унуми демакдир» (Асарлар, 29 том, 443 бет).

Совет кишилари меҳнатга ижодий иш деб қарамоқдалар, ишлабчиқаришни такомиллаштиришда ташаббус кўрсатмоқдалар, меҳнат унумдорлигини оширишнинг янги резервларини қидириб топмоқдалар.

Илғорлар тажрибасини, ишлабчиқариш илғорлари ва новаторларининг муваффақиятларини кенг ёйиш социалистик мусобақанинг энг муҳим хусусиятидир. Ленин айтган эдики, ҳокимият пролетариат қўлига ўтганидан кейин «кўпчиликнинг намуна бўладиган ишлардан ибрат олувига биринчи марта катта имкон туғилади» (Асарлар, 27 том. 264 бет).

Социалистик тузум халқ оммасининг давлат, хўжалик ва маданий қурилишга актив қатнашуви учун имконият туғдирди.

КПСС XX с'ездининг қарорларида айтиб ўтилганидек, коммунистик қурилишнинг улуғ вазифалари меҳнаткашлар оммасининг ижодий активлигини ва ташаббусини янада оширишни, давлатни бошқариш ишларида, давлатнинг бутун хўжалик-ташкилотчилик фаолиятида оммани тағин ҳам кенгроқ қатнаштиришни талаб қилади. Шу мақсад блан с'езд совет демократизмини ҳартомонлама ривожлантиришни, марказдаги ва жойлардаги барча совет органларининг ишларини яхшилашни, уларнинг омма блан алоқасини мустаҳкамлаш-

Революцион ҳаракатнинг актив қатнашчиларига СССР орденлари топширилди

Биринчи рус революцияси қатнашчиларидан 1905—1907 йиллардаги революциянинг эллик йиллиги муносабати блан, революцион ҳаракатда актив қатнашганликлари учун мукофотланган кишиларнинг катта группасига 17 апрельда СССР орденларини топшириш маросими бўлди.

Катта Кремль саройида революция ветеранларидан уч юзга яқин киши тўпланди. Булардан кўпларининг номини совет кишилари болалик чоғлариданоқ биладилар. Совет халқи бундан ярим аср аввал ўз жонажон Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида самодержавиега қарши, меҳнаткашларнинг эркинлиги ва бахти учун ошкора курашга бош кўтариб чиққан кишиларга жуда катта ҳурмат блан қарайди. Сочлари оқарган бу кишилар партиянинг кекса гвардиясидир. Буларнинг ҳарқайсисининг ҳаёти большевик-подпольшчик ҳаётдан иборат бўлиб, жуда кўп хавф-хатарларни бошидан кечирган. Улар улуғ Ленин блан бирликда ишлаганлар. Бутун халқимиз Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 86 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган ҳозирги пайтнинг ўзида уларнинг хизматларига яраша мукофотлар олаётганлиги ҳаммани айниқса қувонтирмоқда.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ҳамда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари М. П. Тарасов ва В. И. Козлов мукофотланганларга орденларни топширдилар.

Кекса революционер коммунистлар — Елена Дмитриевна Стасова, Григорий Иванович Петровский, Отто Вильгельмович Куусинен, Борис Михайлович Волин ҳукуматнинг юксак мукофотларини оладилар.

Ленин ордени 1904 йилдан бери КПСС а'зоси бўлиб келаётган Дмитрий Николаевич Бассалигога топширилди. У, бундан эллик йил муқаддам Харьковда жанговар ишчи дружиналарини ташкил қилган эди, Пермдаги большевиклар махфий комитетининг а'зоси ва Харьковдаги махфий комитетининг секретари бўлган эди.

Ленин ордени 1898 йилдан бери Коммунистик партия а'зоси бўлиб келаётган Ефим Яковлевич Беленькига топширилади. В. И. Лениннинг топшириғи блан у Минск большевиклар ташкилотини, Ғарбий-Шимолий ва Полесье партия комитетларини тузишда қатнашган.

Александр Иванович Бердников Москвадаги баррикадаларда жанг қилганида йигирма икки ёшлик йигит эди. Ҳозир унинг ёши 70 дан ошган, у ўзининг шу умридан 50 йилидан кўпроғини партияга хизмат қилишга бағишлади. У, Ленин орденини қонуний фахрланиш ҳисларига тўлган ҳолда олади.

Жанговар дружинанинг илгариги бошлиғи Михаил Алексеевич Гвоздев, жанговар дружиналарнинг ташкилотчиларидан бири бўлган Степан Васильевич Ермаков, Мотовилихин заводи ишчиларининг қуролли қўзғолонида қатнашган София Львовна Смирнова, Уфадаги декабрь қуролли қўзғолонида қатнашган Григорий Васильевич Андреев, Москвадаги завод жанговар дружинасининг собиқ командири Прокофий Аполлонович Афоничев, фабрика ишчилари забастовкасининг ташкилотчиси, Петроградлаги Смольнийнинг биринчи коменданти Павел Дмитриевич Мальков ва ўша даврдаги революцион ҳаракатнинг бошқа машҳур арбоблари орденларни олдилар.

Е. Д. Стасова, Г. И. Петровский ва Б. М. Волин мукофотланганлар номидан қисқача нутқлар сўзладилар. Улар юксак мукофотлар учун Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига қизғин ташаккур айтдилар.

Бу мукофотлар, — дейди Е. Д. Стасова, — биз кекса партиялилар зиммасига ўзимизнинг бутун кучимизни КПССнинг XX с'ездидан кейинги ҳозирги шароитда партияга ёрдам бериш ишига сарфлаш мажбуриятини юклайди. Биз с'езд томонидан қўйилган масалаларни тўғри тушуниб олишга ёшларга ёрдам беришимиз лозим. Биз кексаларни бевосита заводларга ва фабрикаларга, колхозларга ва МТСларга юбориш керак деб ҳисоблайман. Бу эса бизга шу корхоналарда нима ишлар қилинаётганлигини билиш ва маҳаллий партия ташкилотларига олдиларида турган вазифаларни бажаришда ёрдамлашиш мажбуриятини юклайди.

Сўнгра Е. Д. Стасова айтдики, партия бизнинг олдимизга қаттиқ талаблар қўймоқда. Ўтмиш тўғрисида гапирган вақтимизда об'ектив бўлишимиз, я'ни мен ундоқ қилдим, мен бундоқ қилдим, деб гапиравермасдан, партиянинг кўрсатмалари қандай бажарилганлигини айтиб беришимиз керак. В. И. Ленин бизга камтар бўлишни ўргатган эди. Юқоридан тортиб то пастгача партиямизнинг ҳамма ташкилотларида ва совет муассасаларида шахсга сиғинишга қарши кураш биздан шуни талаб қилади.

Г. И. Петровский мукофот учун чуқур миннатдорчилик ҳисларини изҳор қилиб, КПСС XX с'езди қарорларининг тарихий аҳамиятини гапириб берди. Биз, ленинчи кекса гвардия партиямиз XX с'ездининг қарорларига ўз муносабатимизни айтиб бердик, я'ни тинчлик, демократия ва социализм учун курашда Ленин байроғини баланд кўтариш кераклигини айтдик. С'езд Ленин партиясига ва совет халқига ёт бўлган ҳамда ишимизга бирталай зарар етказган шахсга сиғинишни қат'иян қоралади.

КПСС XX с'езди олтинчи бешйилликда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг катта программасини қабул қилди. Шунинг учун ҳам кекса гвардиянинг намояндалари бўлган бизлар ўзимизга хос жўшқинлик ғайрати блан бутун кучимизни коммунизм қуришга сарф қиламиз. Ёш гвардия блан — ишчилар, колхозчилар, интеллигенция блан бирликда, КПСС раҳбарлиги остида коммунизм сари тўппа-тўғри йўлдан борамиз.

Бугун Катта Кремль саройининг мана шу кенг, ёруғ залида, — дейди Б. М. Волин, — фавқулодда бир иш бўлаётир, десам бўлади. Партия ва ҳукумат сочига оқ тушган большевиклар отрядини — биринчи рус революциясида актив қатнашган, ўз умрининг камида 50 йилини ўлмас Ленин ғолиб байроғи остида ўтказган кишиларни бу ерга чақириб келтирди.

Ҳарқайсимизнинг ёшимиз 70 дан ошиб кетганлиги ҳеч гап эмас! Партиянинг ички ҳаётида, ички ва ташқи сиёсатида Ленин принципларини оғишмай амалга ошираётган ленинчи Марказий Комитет раҳбарлигидаги ленинчи партиянинг а'золари бўлган биз кекса большевиклар ҳозирги кунда мамлакатимиздаги энг бахтли кишилармиз.

Биз бу ерга Ленин кунлари арафасида тўпландик, — дейди Б. М. Волин, — Ленин бизнинг фикримизда ва қалбимиздадир — бизларнинг кўпларимиз у блан неча мартабалаб учрашганмиз, унинг бевосита раҳбарлиги остида ишлаганмиз, бизларнинг кўпларимиз унинг нутқларини эшитганмиз. Партиянинг XX с'езди Ленин сўнмас идеяларининг ҳаётбахш қуёши нурлари остида ўтганлигини кўриб ғоят қувондик!

Коммунистик партия Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан К. Е. Ворошилов сўзлаб, революция ветеранларини хизматларига яраша берилган юксак мукофотлар блан қизғин табриклади.

Партия ва ҳукумат, — деди К. Е. Ворошилов, — 1905—1907 йиллардаги революциянинг актив қатнашчиларидан 1339 кишини орденлар блан мукофотлади. Бу мукофот самодержавие, капиталистлар ва помешчиклар зулмига қарши фидокорона курашган революцион ҳаракат қатнашчиларининг ҳаммаси томонидан халқ олдида қилинган хизматларни тақдирлаш демакдир.

Сизларнинг кўпларингиз 1905 йилдан анча олдин революцион кураш йўлига кирган кишиларсиз. Ўша вақтда нолегал шароитда ишлаш, «революция алгебрасини» ўзлаштириш ғоят қийин бўлганлиги ва буни кенг оммага ўргатиш бундан ҳам кўра қийинроқ бўлганлигини унутганимиз йўқ. Россиядаги ва чет мамлакатлардаги революцион ҳаракат тўғрисидаги китобларни жуда сабот блан ўрганишга, Маркс, Энгельс, Ленин асарларини кунт блан ўқишга тўғри келган эди. Пролетар революционерлари чор золим амалдорларининг берадиган жазоларидан қўрқмай, ишчилар синфини ботирлик блан тарбиялаб ва ташкил қилиб келдилар, ишчилар синфини ҳал қилувчи жангларга тайёрладилар.

В. И. Ленин чор жаллодлари томонидан ўлдирилган революционер ишчи Иван Васильевич Бабушкиннинг хотирасига бағишлаб ёзган некрологида халқ орасидан етишиб чиққан революционерларнинг қаҳрамонона ишлари тўғрисида ажойиб гапларни айтган эди.

«Булар, — деб ёзган эди Ильич, — ўзларини яккаларнинг бефойда террористик ишлари учун сарф қилмасдан, балки пролетарлар оммаси ўртасида ҳақиқатан қаттиқ туриб, ҳечбир оғмасдан иш кўрдилар, **уларнинг** онгини ўстиришга ёрдам қилдилар, **уларни** уюштирдилар, **уларнинг** революцион ташаббускорлигини кучайтирдилар. Булар — кризис етилганда, революция бошланганда, миллион-миллионлар ҳаракатга келганда чор самодержавиесига қарши қуролли оммавий курашнинг тепасида турган кишилардир. Чор самодержавиеси блан курашиб қўлга киритилган нарсаларнинг ҳаммаси **нуқул** Бабушкин сингари кишилар раҳбарлик қилган omманинг кураши туфайлигина қўлга киритилган ютуқлардир... Бундай кишилар блан, — деб башорат бериб ёзган эди Ленин, — рус халқи ўзининг ҳарқандай эксплуатациядан тамомила озод бўлишига эришади» (Асарлар, 16 том, 394 бет).

Бу сўзлар революция учун меҳнат қилган кишиларнинг ҳаммасига нисбатан жуда катта мақтовдир. Лениннинг бу оқилона сўзларига фақат шуни илова қилиш мумкинки, Бабушкинни, шунингдек юзлаб ва минглаб бошқа революционерларни улуғ Ленин ташкил этган ва раҳбарлик қилган партиямиз тарбиялаб етиштирган эди.

Азиз ўртоқлар! Лениннинг халқ бахти учун, бутун инсониятнинг бахти учун яшаган ҳаёти ва қилган ишлари барча коммунистларга, ер юзидаги софвиждонли барча кишиларга нақадар ажойиб ибрат эканлигини Владимир Ильичимиз туғилган кунига 86 йил тўлиш арафасида биз ҳозир улуғ миннатдорчилик блан эсга оламиз.

Партиямиз ўзининг XX с'ездидан кейин шахсга сиғинишга ва унинг оқибатларига қарши курашни авж олдириб юборган ҳозирги пайтда партия фаолиятининг ленинча принциплари ва айниқса коллектив раҳбарлик, омма блан узилмас алоқада бўлиш, омманинг ижодий ташаббускорлигини ривожлантириш принциплари бизга партиянинг кучларини кўпайтиришнинг ҳамда янги, коммунистик жамият қуришда партиянинг ташкилотчилик ролини оширишнинг синалган йўлини кўрсатиб бермоқда.

Правардида К. Е. Ворошилов революцион ҳаракат қатнашчиларини юксак мукофотлар блан яна бир марта чин кўнгилдан табриклади ва уларга сиҳат-саломат ва бақувват бўлиб яна кўп йил умр кўришни тилади.

ни, бюрократизмга қарши, аҳолининг эҳтиёжларига э'тиборсизликка қарши бундан буён ҳам муросасиз кураш олиб боришни зарур деб топди.

Эндиликда халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашлари ҳам коммунизм қураётган қаҳрамон совет халқи блан ёнма-ён туриб социалистик йўлдан бормоқдалар. Социализмнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб жаҳон системасига айланганлиги замонамизнинг асосий белгисидир.

Ҳозирги замон халқ оммасининг революцион активлиги, омманинг тинчлик, демократия ва социализм узун кураши мисли кўрилмаган даражада ўсиб бораётган замондир, ўн ва юз йиллар давомида мустамлакачилар томонидан жаҳон цивилизациясининг катта тараққиёт йўлидан четда сақланиб келган мустамлака ва ярим мустамлака халқларнинг улуғ уйғониш замонидир.

Ленин, жаҳон воқиаларининг ривожланиш перспективаларини анализ қилиб, 1923 йилда бундай деб ёзган эди:

«Курашнинг оқибати, правардида, Россия, Ҳиндистон, Хитой ва ҳоказоларнинг аҳолининг гигант кўпчилигини ташкил этганлигига боғлиқдир. Сўнгги йилларда аҳолининг худди мана шу кўпчилиги ўз озодлиги учун курашга жуда ҳам тез тортилмоқда, шунинг учун бу жиҳатдан қараган вақтда жаҳон миқ'ёсидаги курашнинг қандай узил-кесил ҳал бўлиши тўғрисида ҳечбир шубҳаланиш мумкин эмас. Мана шу жиҳатдан социализмнинг узил-кесил ғалабаси тўла равишда ва шак-шубҳасиз та'минлангандир» (Асарлар, 33 том, 524 бет).

Лениннинг олдиндан кўриб айтган бу доҳиёна сўзлари тўла равишда тасдиқланмоқда. Фақат кейинги ўн йилнинг ўзидагина бир миллиард икки юз миллиондан кўпроқ киши — ер юзидаги бутун аҳолининг деярли ярмиси мустамлака ва ярим мустамлака қарамлигидан қутилди. Шармандали мустамлакачилик системаси бутунлай тугатиладиган пайт яқинлашмоқда. Жаҳон тарихининг Ленин айтган янги даври бошландики, бу даврда Шарқ халқлари бутун дун'ё тақдирини ҳал қилишда актив қатнашмоқдалар, халқаро муносабатларнинг янги қудратли факторы бўлиб қолмоқдалар.

Империализмнинг агрессив кучларини жиловлашда халқнинг роли ниҳоят даражада кучайиб кетди. Ер юзидаги тинчликсевар кучлар агрессиянинг олдини олмоқ учун жаҳон социализм лагеридек қудратли ма'навий ва шу блан бирга моддий воситаларга эгадирлар. Социализм лагеридан ташқари урушга қарши актив кураша ётган бошқа давлатларнинг ҳам катта группаси бор. Капитал мамлакатларидаги ишчилар ҳаракати эндиликда жуда кенгайиб кетди. Тинчлик тарафдорларининг ҳаракати ғоят кенгайди. Капитализмнинг агрессив кучлари халқларни янги урушга ташлашига йўл қўймаслик учун, агар улар янги уруш бошлашга уринсалар, агрессорларга қақшатғич зарба бермоқ, уларнинг авантюристик планларини барбод қилмоқ учун ҳозирги халқаро шароитда реал имкониятлар вужудга келди.

Халқларнинг жаҳон воқиаларининг боришига ўтказаётган та'сири кундан-кунга кучайиб бормоқда.

* * *

Марксизм-ленинизм ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида халқ оммасининг улуғ роли борлигини уқдириб ўтиш блан бирга, тарихда отоқли кишиларнинг аҳамиятини, меҳнаткашларни озод қилиш учун, янги жамият қуриш учун курашда меҳнаткашлар оммасига йўлбошчилик қилувчи кишиларнинг аҳамиятини асло инкор қилмайди. Отоқли кишилар жамият моддий ҳаётининг эҳтиёжларини тўғри тушунсалар, уларнинг фаолияти халқнинг орзусига мос бўлиб тушса, илғор синфга, шу синфнинг партиясига таянса, улар жиддий роль ўйнайдилар. Ленин марксистик партияни халқнинг коллектив йўлбошчиси ва раҳбари, «давримизнинг ақл-идроки, ор-номуси ва виждони» деб айтган эди.

Шахсга сиғиниш, айрим сиёсий арбобларни ҳаддан ташқари улуғлаш, уларни ғайритабиий белгиларга ва сифатларга эга бўлган кишилар қилиб кўрсатиш Ленинга бутунлай ёт нарса эди. Шахсга сиғиниш халқнинг ролини пасайтиради, омманинг ташаббусини ва активлигини ривожлантиришга тўсқинлик қилади, коллектив раҳбарлик принципига путур етказади. КПСС XX с'езди ўтмишда кенг ёйилган ва ишга катта зарар етказган шахсга сиғинишни, Лениннинг партиявий раҳбарлик тўғрисидаги, халқ оммасининг социалистик қурилишдаги роли тўғрисидаги кўрсатмаларига таяниб, қаттиқ қоралади.

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан партия XX с'езди қабул қилган резолюцияда бундай дейилади: «Шахснинг тарихдаги ролини марксча-ленинча тушуниш кенг равишда тушунтириб берилганлиги коммунистларнинг ва барча меҳнаткашларнинг активлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди. С'езд Марказий Комитет шахсга сиғинишга қарши чиқиб, жуда тўғри иш қилди деб ҳисоблайди, чунки шахсга сиғинишнинг авж олиши партия ва халқ оммасининг ролини пасайтирган эди, партияда коллектив раҳбарлик ролини камситган эди ва кўпинча ишда жиддий нуқсонларга йўл қўйишга сабаб бўлган эди; шу сабабли с'езд Марказий Комитетга шахсга сиғиниш сарқитларига қарши курашни бўшаштирмасликни, ўзининг бутун фаолиятида Коммунистик партия раҳбарлик қилаётган халқ оммаси янги турмушнинг чинакам яратувчиси эканлигини назарда тутиб иш кўришни топширади».

КПСС XX с'ездининг қарорларини бутун партия, бутун совет халқи якдиллик блан ма'қуллади. Коллектив раҳбарликнинг ленинча принциплари тикланганлиги ва шахсга сиғинишга қарши кескин кураш олиб борилаётганлиги халқ оммасининг сиёсий ва меҳнат активлигини янада кучайтириб юборди.

Партиямиз коммунистик қурилишга раҳбарлик қилишда халқ оммасининг турмуш тажрибаларига таянади, омма ижодий фаолиятининг натижаларини умумлаштиради, ўз қарорларининг тўғрилигини меҳнаткашларнинг амалий тажрибасида текшириб туради.

СССРдаги социалистик қурилишнинг бутун бориши партиямиз ленинча сиёсатининг тўғрилигини исбот қилиб берди. Партиямиз сиёсати халқнинг чинакам манфаатларини ифодалаб бермоқда ва бу сиёсатни халқимиз якдиллик блан қўллаб-қувватламоқда. Партиянинг кучи шундаки, у халқ оммаси блан узилмас равишда боғлангандир. Халқнинг кучи шундаки, у партия теварагида жипслашгандир.

КПССнинг XX с'езди совет халқини коммунизм учун курашнинг улуғвор программаси блан қуроллантирди. Битмас-туганмас ижодий ғайратга тўлган СССР халқлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида шу программани амалга ошириш учун курашмоқдалар.

И. МАЛИШЕВ.

СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг Яқин Шарқдаги аҳвол тўғрисида баёноти

Ҳозирги вақтда Яқин Шарқ районида юз бераётган аҳвол умумий тинчликни мустаҳкамлашдан ва халқаро кескинликни янада юмшатишдан манфаатдор бўлган ҳамма давлатларнинг ва жамоат доираларининг жиддий э'тибор беришини талаб этади.

Бирнеча марта қайд қилиб ўтилганидек, Яқин ва Ўрта Шарқда халқаро вазиятнинг кескинлашувига асосий сабаб — мустамлакачилик мақсадларига хизмат қиладиган ва бу районлаги халқларнинг мустақиллигига қарши, шунингдек тинчликсевар мамлакатларнинг хавфсизлигига қарши қаратилган ҳарбий гуруҳларни уюштириш ва кенгайтириш йўлидаги уринишларнинг давом эттирилишидир. Бу хил гуруҳларнинг тузилиши Яқин ва Ўрта Шарқ районида халқаро низо'лар ва конфликтлар манбаи бўлиб қолди, араб давлатлари блан Исроил, шунингдек Туркия ўртасидаги, Покистон блан Афғонистон, Покистон блан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашувига сабаб бўлди.

Бу райондаги мустақил давлатлар ўртасида Осиё ва Африка мамлакатларининг Бандунг конференциясида қабул қилинган тинч ҳамкорлик принциплари асосида тинчликсеварлик ва дўстлик муносабатларини йўлга қўйиш юзасидан тегишли тадбирлар кўриш ўрнига, ба'зи мамлакатлар бошқа мамлакатларга қарама-қарши қилиб қўйилмоқдаки, бу ҳол бу районда кескин вазиятни вужудга келтирмоқда. Ба'зи давлатларнинг мустақил араб давлатларини уларнинг хоҳиш-иродасига хилоф равишда ма'лум Бағдод пакти сингари ана шундай гуруҳларга қўшилишга мажбур этиш мақсадида мустақил араб давлатларига тазйиқ қилишлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг принципларини бузишдан иборат бўлиб, тинчлик ва халқаро хавфсизлик манфаатларига зиддир.

Ҳозирги вақтда араб-исроил конфликтининг кескинлашиб кетганлиги Яқин Шарқдаги аҳволнинг энг хавфли моментларидан биридир. Бу конфликтнинг пайдо бўлиш сабабларига қандай баҳо берилишидан қат'и назар, шу нарсадан кўз юмиш мумкин эмаски, ба'зи давлатларнинг халқаро тинчликни мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлмаган муайян доиралари араб-исроил конфликтидан ўзларининг агрессив манфаатлари йўлида, ҳатто бу райондаги мамлакатлар территориясига четэл қўшинларини киритиш ва ҳарбий қийинчиликлар туғдириш йўлида фойдаланишга интилмоқдалар. Араб мамлакатларининг ишларига аралашишдан мақсад Яқин Шарқда мустамлакачилик позицияларини тиклашдан иборат бўлиб, бундан муайян нефть монополиялари айниқса манфаатдордир. Ма'лумки, уч давлатнинг 1950 йилдаги битими ана шундай интилишларга жавоб беради. Шуларнинг ҳаммаси бу районда уруш ўчоғи пайдо бўлиш хавфини туғдирадики, бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Совет Иттифоқи ҳукумати халқлар ўртасида тинчлик ва тинч ҳамкорлик манфаатларини қаттиқ туриб ёқлаб келмоқда. У, халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган тадбирларни қат'иян ва изчиллик блан амалга оширмоқдаки, бу эса ҳамма мамлакатлардаги халқларнинг, шу жумладан Яқин Шарқдаги халқларнинг ҳам орзу-истакларига мос келади.

Яқин вақтгача мустамлака территорияси ёки мандат асосида идора қилинувчи территория аҳволида бўлиб келган бирқанча давлатларнинг иккинчи жаҳон урушидан кейин миллий мустақиллик ўрнатганлиги ва давлат суверенитети мустаҳкамланганлиги Яқин ва Ўрта Шарқ районида тинчликни ҳамда хавфсизликни та'минлаш ишида халқларнинг эришган буюк муваффақияти бўлди. Совет Иттифоқи Яқин Шарқ мамлакатларининг Миср, Саудия Арабистони, Сурия, Ливан, Яман, Иордания, Ливия, Судан, Ироқ, Исроил ва бошқаларнинг давлат мустақиллигини ўрнатиш ҳамда мустаҳкамлаш йўлидаги куч-ғайратларини хайрихоҳлик блан қизғин қўллаб-қувватлади. Совет Иттифоқи Англия блан Франциянинг ҳаракатларига ҳам тегишинча баҳо берди, уларнинг бу ҳаракати Яқин Шарқда ҳал этиш пайти келиб қолган проблемаларни мазкур давлатларнинг мустақиллигини ва суверенитетини таниш асосида ҳал этишга ёрдам берди.

Давлатларнинг миллий мустақиллигини, суверенитетини ҳурмат қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик принциплари, шунингдек халқаро низо'ларни тинч воситалар блан ҳал этиш принциплари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида мустаҳкамланган. Совет Ҳукумати ана шу принципларнинг изчил тарафдори бўлиб, араб давлатларининг яқинда қўлга киритган миллий мустақилликларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг иқтисодий фаровонлигини юксалтириш йўлидаги интилишларини астойдил ва чин қалбдан қўллаб-қувватлаб келди ва қўллаб-қувватламоқда.

Совет Иттифоқи Яқин Шарқ давлатларининг мустақиллигини мустаҳкамлашни ва уларни умуман юксалтиришни бу районда тинчлик ва хавфсизликнинг муҳим гарантияси деб билади. Худди ана шунинг учун Совет Ҳукумати мазкур давлатлар ҳукуматларининг ана шу мақсадларга қаратилган истакларини бажонидил қўллаб-қувватлаб келди. Совет Ҳукумати шу блан бирга ўзи учун бирор хил махсус манфаат-фойда бўлишига ҳаракат қилмади ва бу райондаги давлатлар блан ўз муносабатларини Осиё ва Африка халқлари томонидан Бандунг конференциясида э'лон қилинган адолатли принциплар асосига қуришга интилиб келди.

Совет Ҳукумати тинчликни мустаҳкамлашга ва ҳамма мамлакатлардаги халқларнинг адолатли миллий манфаатларини ҳисобга олиб халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга интилиб, Яқин Шарқда тинчликнинг бузилишига ҳамиша қарши чиқиб келмоқда ва қуролли конфликтлар чиқишига сабаб бўлаоладиган ёки ана шундай конфликтлар чиқариш учун баҳона сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ҳарқандай ҳаракатларга ҳамиша қарши чиқиб келмоқда.

Совет Ҳукумати Яқин Шарқда қуролли конфликтга йўл қўймаслик мумкин ва лозим деб, Яқин Шарқдаги ҳамма давлатлар ўзларининг ҳарбий ҳаракатларга тортилмасликларидан манфаатдордирлар деб ҳисоблайди.

Шу блан бирга, Совет Ҳукумати араб-исроил конфликтидан мустақил араб давлатларининг ички ишларига ташқаридан аралашиш учун ёки Яқин Шарқ территориясига четэл қўшинларини киритиш учун фойдаланиш йўлидаги уринишларни қонунга хилоф бўлган ва умумий тинчликни сақлаш нуқтаи назаридан асло йўл қўйиб бўлмайдиган уринишлар деб ҳисоблайди.

Юқорида баён қилинганлар муносабати блан Совет Ҳукумати билдиради:

1. Совет Иттифоқи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фаластин районида тинчликни мустаҳкамлаш йўлларини ҳамда воситаларини қидириб топишга ва Хавфсизлик Кенгашининг тегишли қарорларини бажаришга қаратилган тадбирларини тегишинча қўллаб-қувватлайди.

2. Совет Иттифоқи Фаластин районидаги мавжуд кескинликни юмшатиш учун энг яқин вақт ичида, ташқаридан аралашилмаган ҳолда, тегишли чоралар кўрилиши лозим деб ҳисоблайди, ташқаридан аралашиш эса Яқин Шарқ давлатларининг хоҳиш-иродасига ва Бирлашган Миллатларнинг принципларига зиддир.

Совет Иттифоқи манфаатдор томонларни араб мамлакатлари блан Исроил ўртасидаги яраш битимларида белгиланган тегишли чегара линиясидаги аҳволни кескинлаштиришга сабаб бўладиган ҳарқандай ҳаракатлардан сақланишга чақиради, шунингдек ўз бошпанасидан ва тирикчилик воситаларидан маҳрум бўлган юз минглараа араб қочоқларининг оғир аҳволини яхшилаш юзасидан зарур чоралар кўришга чақиради.

3. Совет Иттифоқи халқаро тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб Фаластин масаласини ўзаро мақбул асосда, манфаатдор томонларнинг адолатли миллий манфаатларини ҳисобга олиб, тинч йўл блан узил-кесил ҳал қилиш йўлини тутиш зарур, деб ҳисоблайди.

Ўз томонидан Совет Ҳукумати ҳал этилмаган масалаларни тинч йўл блан ҳал этишга бошқа давлатлар блан биргаликда ёрдам беришга тайёр эканлигини билдиради.

Коммунистик ва ишчи партиялар Информацион Бюросининг фаолиятини тўхтатиш тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Коммунистик ва ишчи партияларнинг 1947 йилда тузилган Информацион Бюроси Коминтерн тарқатиб юборилгандан кейин пайдо бўлган ва компартияларнинг бир-биридан ажралиб қолишидан иборат бўлган ҳолларни тугатишда ижобий роль ўйнади, халқаро коммунистик ҳаракат сафларида пролетар интернационализмини мустаҳкамлашда ва ишчилар синфини ҳамда барча меҳнаткашларни мустаҳкам тинчлик, демократия ва социализм учун курашга янада жипслаштиришда муҳим фактор бўлди. Информбюро ва унинг босма органи—«Мустаҳкам тинчлик учун, халқ демократияси учун!» газетаси коммунистик ва ишчи партиялар ўртасида қардошлик алоқаларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш ва тажрибалар блан алмашиб туриш ишида, марксча-ленинча назария масалаларини айрим мамлакатларнинг конкрет шароитларига татбиқ қилиб ёритиш ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг тажрибасини ёритиш ишида ижобий роль ўйнади. Бу эса қардош партияларни ғоявий ва ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашга, омма ўртасида компартияларнинг та'сирини кучайтиришга ёрдам берди.

Шу блан бирга кейинги йиллар ичида халқаро вазиятда юз берган ўзгаришлар: социализмнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб, жаҳон системасига айланганлиги; Европа ва Осиёдаги социалистик мамлакатларни ҳам, социалистик бўлмаган тинчликсевар давлатларни ҳам ўз ичига олган ғоят кенг «тинчлик зонаси»нинг ташкил топганлиги; капиталистик, қарам ва мустамлака мамлакатларда кўпгина коммунистик партияларнинг ўсганлиги ва мустаҳкамланганлиги ҳамда уруш хавфига ва реакцияга қарши, тинчлик учун, меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари ва ўз мамлакатларининг миллий мустақиллиги учун курашда уларнинг фаолияти активлашганлиги, ниҳоят, тинчлик учун, социализм учун муваффақиятли курашиш манфаатларини кўзлаб, ишчилар ҳаракатидаги ажралишни тугатиш ва ишчилар синфининг бирлигини мустаҳкамлаш соҳасидаги вазифалар ҳозирги вақтда алоҳида аҳамият ҳосил қилганлиги, — коммунистик ва ишчи партияларнинг фаолияти учун янги шароитларни яратиб берди. Коммунистик ва ишчи партияларнинг Информацион Бюроси ўзининг составы жиҳатидан ҳам, ўз фаолиятининг мазмуни жиҳатидан ҳам эндиликда ана шу янги шароитларга жавоб бермайди.

Информбюрога кирган коммунистик ва ишчи партияларнинг Марказий Комитетлари унинг фаолияти ҳақидаги масалалар юзасидан фикр олишиб, 1947 йилда улар томонидан тузилган Информацион Бюро ўз функцияларини бажариб бўлди деб топдилар, шу муносабат блан ўзаро келишиб коммунистик ва ишчи партиялари Информацион Бюросининг фаолиятини ҳамда унинг органи «Мустаҳкам тинчлик учун, халқ демократияси учун!» газетасини нашр қилишни тўхтатишга қарор қилдилар.

Информбюрода қатнашган коммунистик ва ишчи партияларнинг Марказий Комитетлари ҳисоблайдиларки, ҳарбир партия ёки бир группа партиялар ишчилар синфининг манфаатлари учун, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда ўз фаолиятини марксча-ленинча партияларнинг умумий мақсадларига ва вазифаларига ҳамда ўз мамлакатларининг миллий хусусиятларига ва шароитларига мувофиқ ривожлантириб, бир-бирлари блан алоқа ҳамда муносабатлар ўрнатиш учун фойдали бўлган янги формаларни топиб олабиладилар. Коммунистик ва ишчи партиялар, шубҳасиз, келгусида ҳам ўз ихтиёрлари блан ва ўз фаолиятларининг конкрет шароитларини ҳисобга олиб, тинчлик, демократия ва социализм учун курашиш, ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, халқ оммасини уруш хавфига қарши курашга сафарбар қилиш каби умумий масалалар юзасидан бир-бирлари блан фикр олишиб турадилар ва шу блан бирга социализмга ориентация қилаётган партиялар ҳамда оқимлар блан, шунингдек тинчликни ва демократияни мустаҳкамлашга интилаётган бошқа ташкилотлар блан ҳамкорлик қилиш масалаларини муҳокама қиладилар. Буларнинг ҳаммаси коммунистик ва ишчи партиялар ўртасида пролетар интернационализми принциплари асосида ўзаро ҳамкорлик руҳини янада кўпроқ мустаҳкамлайди, тинчлик, демократия ва социализм иши манфаатларини кўзлаб, улар ўртасидаги қардошлик алоқаларини мустаҳкамлайди.

Болгария коммунистик партияси Марказий Комитети
Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети
Италия коммунистик партияси Марказий Комитети
Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети
Румыния ишчи партияси Марказий Комитети
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети
Чехословакия коммунистик партияси Марказий Комитети
Франция коммунистик партияси Марказий Комитети.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧИГИТ ВА МАККАЖЎХОРИ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ЙИЛ 19 АПРЕЛЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ
(процент ҳисоби блан)

Районлар	Чигит экиш	Шу жумладан квадрат-уялаб экиш	Маккажўхори экиш
Янгийўл	85,3	76,7	21,3
Оржоникидзе	81,9	98,2	17,0
Калинин	73,7	—	39,0
Ўртасарой	71,9	29,5	6,2
Оққўрғон	69,7	41,6	23,0
Верхне-волинск	67,9	36,6	9,6
Сирдар'ё	67,6	54,4	31,1
Гулистон	66,0	35,0	17,2
Юқоричирчиқ	65,0	38,3	16,1
Пискент	64,1	35,8	—
Бекобод	63,1	39,1	21,9
Чиноз	59,4	28,6	27,8
Ўртачирчиқ	58,2	33,4	7,6
Бўка	57,9	49,4	2,8
Боёвут	57,8	56,2	1,9
Мирзачўл	54,9	32,8	11,3
Октябрь	47,6	32,1	8,6
Бўстондиқ	38,6	44,0	16,7
Оҳангарон	25,0	—	20,0

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ЧИГИТ ВА МАККАЖЎХОРИ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ЙИЛ 19 АПРЕЛЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ
(процент ҳисоби блан)

Совхозлар	Чигит экиш	Шу жумладан квадрат-уялаб экиш	Маккажўхори экиш
«Ўзбекистон ССР бешйиллиги»	98,3	140,0	38,4
6-нчи «Кўкорол»	97,3	30,0	15,2
3-нчи «Боёвут»	90,6	157,0	30,0
1-нчи «Боёвут»	90,2	124,7	22,8
1-нчи «Далварзин»	89,0	74,5	21,3
«Оққўрғон»	83,5	73,3	13,6
2-нчи «Далварзин»	82,9	192,5	98,0
«Малик»	79,5	135,0	16,4
«Дружба»	76,0	—	—
4-нчи «Боёвут»	68,8	47,3	10,0
Булганин номли	62,6	—	34,0
«Фарҳод»	54,5	—	—
Бушуев номли	54,0	—	14,8
4-нчи «Вревский»	21,4	—	35,3

Экишни тезда тугаллаб, чигитни бир текис ундириб олиш учун курашайлик!



Ўртасарой районидаги Охунбобоев номли колхозда чигит экиш тез ва сифатли олиб борилмоқда. Ўртоқ **С. Аҳмедов** бошлиқ агрегат а'золари экишни намунали уюштирганлиги учун МТС нинг кўчма Қизил байроғини олишга эришдилар. **Суратда:** Универсалчи **С. Аҳмедов** ва сеялкачи **А. Умаров** ўртоқлар чигит экмоқдалар. **М. Шевелев** фотоси.

Илғор бригадалар муваффақияти

Сирдарё районидаги «Ленинизм» колхозининг фидокор пахтакорлари ўтган йили чигит экишда янги, прогрессив усулни кенг қўлланиб, пахтадан юқори ҳосил олишга муваффақ бўлган эдилар. Улар қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаб, кўклам экиш кампаниясини ҳартомонлама тайёргарлик билан кутиб олдилар. Айниқса А. Мирзаев, Д. Тиллаев, Т. Турсунов ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари чигит экишни тез ва сифатли ўтказиш учун социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар.

Квадрат-уялаб экишнинг афзаллигини ўтган йили ўз тажрибаларида кўрган ўртоқ Т. Турсунов бошлиқ бригада а'золари 55 гектар пахта майдонига чигитни 50×50, 60×45 схемасида экдилар. Улар бу йил ҳар гектаридан 30 ўрнига 37 центнердан ҳосил олиш учун астойдил курашаётирлар.

Шунингдек, Каганович номли, Тарас Шевченко номли ҳамда «Ҳақиқат» колхозларининг илғор бригада а'золари ҳам механизаторлар билан ҳамкорликда чигитни қисқа вақт ичида сифатли қилиб экиб бўлдилар. «Ҳақиқат» колхозидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Сафар Холматов бошлиқ бригаданинг дастлабки экилган 12 гектар ерида чигит бир текис униб чиқди.

А. МУҲАМЕДОВ,
Т. ХАЙДАРОВ,
Н. АЛИМУҲАМЕДОВ,
Ж. ҲАКИМОВ.

Қизил байроқли бригада

Оққўрғон районидаги «Сталинчи» колхозининг азамат пахтакорлари механизаторлар билан ҳамкорликда ишлаб, чигит экишда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Колхозда хизмат қилаётган 2-нчи МТСнинг ўртоқ Широченко бошлиқ тракторчилар бригадаси а'золарининг самарали меҳнатлари айниқса мақташга сазовордир. Улар кейинги бешкунликда 180 гектар ерга, шу жумладан, 150 гектар ерга чигитни квадрат-уялаб экдилар. МТС дирекцияси ва бошлангич партия ташкилоти Широченко бошлиқ трактор бригадасининг бу ташаббусини тақдирлаб, уларга кўчма Қизил байроқ топширдилар. Шунингдек ўртоқ Бердиев бошлиқ трактор бригадасининг универсалчиси Усмонов раҳбарлигидаги агрегат а'золари 3 кунда 28 гектар ерга чигитни квадрат-уялаб экиб, 400 сўм пул мукофоти олишга муваффақ бўлдилар.

М. КАНЗАФАРОВ.

1-нчи Далварзин совхозида чигит экишнинг бориши талабга мутлақо жавоб бермайди

Бу йил 1-нчи Далварзин совхозида 4180 гектар ерга чигит экилиши керак. Экиш кампаниясининг 7 апрельда бошланишига қарамасдан ҳали ҳам чигит экилмаган анчагина ер бор. Бунинг сабаби шуки, совхозда чигит экишга барвақт тайёргарлик кўрилмади. Дала ишлари тўғри уюштирилмаганлиги сабабли чигит экиш иши билан тайёргарлик ишлари тиқилинч келиб, ҳозир даладаги ишлар ғоят зиқ бўлиб қолган. Масалан, ҳали совхозда кўпгина ер ҳайдалмаган. Ана шу ҳолнинг ўзи ҳам чигит экиш сур'атининг жуда пасайиб кетишига, экиш агрегатларининг кўпинча бекор туриб қолишига сабаб бўлаётир.

Совхознинг 2-нчи бўлимида (бошлиғи ўртоқ Хабибуллин) 7 апрельдан бери 484 гектар майдоннинг ярмигагина чигит экилган. Агар бу бўлимга бириктирилган техник имкониятларни тўла ишга солиш мумкин бўлганда эди, ҳозиргача 400 гектардан кўпроқ ерга чигит бемалол экилар эди. Афсуски, тайёр ер бўлмаганлиги учун экиш агрегатлари бекор туриб қолмоқда. 11 апрельда 2 та, 13 апрельда 3 та «универсал» бекор қолдирилган. Шунга ўхшаш ўртоқ Абдуллаев бошлиқ 7-нчи бўлимда ҳам чигит экиш тўғри уюштирилмаганлиги учун «универсал»ларга кўпинча иш бўлмай қолаётир.

Совхозда квадрат-уялаб чигит экишга ҳам мутлақо э'тибор берилмаётир. 1-нчи бўлимда (бошлиғи ўртоқ А. Очилов) 80 гектар ўрнига 37 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилиб, шу билан иш тўхтаб қолган. 2-нчи бўлимда эса 295 гектар ўрнига 75 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилган, холос. Лекин бу ҳол совхоз раҳбарларини ҳечбир ташвишлантираётгани йўқ.

— Ҳа, квадрат-уялаб чигит экиш қийин бўлаяпти, — дейди совхознинг бош инженери ўртоқ М. Московкин. Лекин нима учун қийин бўлаётганини ва уни бартараф қилиш тўғрисида ўйлаб кўрилмайди. Аслида совхоз раҳбарлари чигитни квадрат-уялаб экишга астойдил ҳозирлик кўрмаганлар, тўғриси бу ишга панжа орасидан қараганлар. Шунинг учун квадрат-уялаб чигит экадиган кадрлар расмият учунгина танланиб, уларни ўқитиш, ишга ўргатишда бутунлай юзакичиликка йўл қўйилган. Ҳақиқатини айтганда, ҳозир совхозда янги усулда чигит экишни пухта ўрганиб олган биронта кишини топиш қийин.

Ерни чигит экишга сифатсиз тайёрлар эрта кўкламда бороналанмаган. Кўкламда ҳайдалган кўпгина ерлар ёғинлардан кейин қаттиқ ўтириб қолган. Шунинг учун чигит кесаклари яхши ўлдирилмаган дарал ва қотиб қолган ерларга экилмоқда. Бу эса чигитнинг ҳамма ерда ўз жойига тушмаслигига, яхши кўмилмаслигига сабаб бўлаётир. Бунинг натижасида экилган чигитнинг тўла униб чиқиши қийин бўлади, албатта.

Гектарларнинг тўла бўлиши учун ҳам кураш олиб борилмаётир. Дала четларига, трактор бориши мумкин бўлмаган бурчакларга дарҳол қўл билан чигит экилиши керак бўлгани ҳолда, бунга совхоздаги катта-кичик раҳбарларнинг бирортаси ҳам э'тибор бермаётир.

Чигит экилган далаларга кетма-кет ўқариқлар олиниб, уларнинг ёнларига ҳам чигит экилиши шарт бўлгани ҳолда, бу иш ҳам қолиб кетмоқда.

Умуман олганда, 1-нчи Далварзин совхозининг раҳбарлари (директори ўртоқ Хомич) экиш кампаниясига тайёргарлик кўришда катта мас'улиятсизликка йўл қўйганлар. Ана шунинг натижасида совхоз чигит экишга катта камчиликлар билан киришган, бу эса ғанимат кунларнинг қўлдан бой берилишига сабаб бўлмоқда. Ана шу ҳолнинг ўзи чигит экиш ишининг сифатсиз боришига ҳам сабаб бўлмоқда. Аммо совхоз раҳбарлари аҳволни тузатиш тўғрисида ҳечқандай чора кўрмасдан, даладаги ишни ўзибўларчиликка ташлаб қўйганлар.

Раҳбарлар далаларда жуда кам бўладилар, улар бўлим ва бригадаларда ишнинг қандай бораётганлигини билмайдилар. Сводкаларга қарабгина мулоҳаза юритиб, даладаги ишга мас'ул бўлган шахсларнинг иши устидан ҳечқандай назорат олиб бормайдилар, талабчанлик мутлақо сезилмайди. Бу ҳол бўлим ва бригада бошлиқлари ўртасида мас'улиятни сезмасликка, ишнинг кечикишига ва сифатининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Бекобод район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари ҳам совхозлардаги аҳвол билан кам қизиқаётирлар. Ҳолбуки, совхозда юз бераётган аҳвол мўл ҳосил етиштиришнинг энг муҳим шарти бўлган ҳозирги зарур ишларнинг муваффақият билан бажарилишини бутунлай хавф остида қолдирмоқда. Район ташкилотлари, шунингдек Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги раҳбарлари ҳам 1-нчи Далварзин совхозида юз берган ҳозирги аҳволга жиддий э'тибор беришлари, чигит экишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни тезда бартараф қилиш тадбирларини кўришлари керак.

У. ЖОНГИТОВ.

Картошка, сабзавот экиш плани тезроқ бажарилиши керак

Колхоз правлениеси эшигининг тепасидаги қизил алвонга: «КПСС XX с'ездининг қарорларига жавобан «Октябрь» колхозининг а'золари 1956 йилда ҳар гектар ердан 16,5 тоннадан сабзавот, 17 тоннадан полиз экинлари, 12,5 тоннадан картошка ҳосили етиштириш мажбуриятини олдилар» деб ёзиб қўйилган. Демак, колхозда иш ана шу юксак мажбуриятга яраша ташкил этилиши, эртаги экинларни ўз муддатида экиб тамомлаш учун пухта тайёргарлик кўриш керак эди.

Афсуски, колхоз правлениеси ва унинг раиси ўртоқ Султонов эртаги экинлар экиш планининг сўзсиз бажарилишини та'минлайдиган зарур тадбирларни кўрмаётир. Бошқача қилиб айтганда, бутун иш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Аввало, экинларни жойлаштириш планини ишлаб чиқиш узоққа чўзилди. Колхоз правлениеси томонидан тузилган план район ташкилотига ва МТС раҳбарларига ёқмади. МТС бошқача бир план, район ижроия комитети яна бошқача бир план тузиб колхозга юборди. Орадан кўп ўтмай МТС раҳбарлари ўзлари тузиб берган планни яна ўзгартирдилар.

Бу ҳомаки планлар экиш кампаниясини бошлаш учун тўғри қўлланма бўлаолмагани учун ҳам шу куннинг зарур ишлари кейинга судралаётир.

Шунингдек колхоз правлениеси етарли миқдорда уруғлик картошка тайёрлашга жиддий э'тибор бермади, энди бўлса, вақт зиқ келганида нима қиларини билмай юрибди. «Ҳар йили, — дейди колхозчилар, — бошқа жойлардан уруғлик картошка келтирилади, уни экамиз, колхозимиз яна уруғга муҳтож». Дарҳақиқат шундай, колхоз ўзида уруғ етиштириш тадбирларини кўрмаганлиги учун катта маблағ сарфлаб четдан картошка уруғи сотиб олишга мажбур бўлмоқда. Ҳозир ҳам колхоз учун 270 тонна уруғлик картошка етишмайди.

Тошкент районидаги колхозларда эртаги экинларни экиб тугаллаш юзасидан белгиланган сўнгги муддат ҳам ўтиб кетди. Шунга қарамасдан ҳали кўпчилик колхозда эртаги картошка экиш тамомлангани йўқ. Биринчи МТС зонасидаги 11 колхозда кейинги ўн кун ичида жуда оз миқдорда картошка экилган, «Иттифоқ» колхози 15 гектар ерга эртаги картошка экиши керак. Колхозда етарли уруғ ҳам бор. Аммо колхоз раиси ўртоқ Қорабоевнинг бепарволик ва мас'улиятсизлиги оқибатида фақат 5 гектар ерга картошка экилган. «Интернационал» колхозида ҳам бу соҳада ҳали иш бошланган йўқ. «Большевик» колхози фақат 20 гектар ерга эртаги картошка экиб, топшириқни бажармаган. Сталин номли колхоз эса энди 50 процент миқдорида бажарди. Молотов номли, Маленков номли колхозларда экиш чидаб бўлмаслик даражада судралаётир.

Иккинчи МТС зонасидаги колхозларда ҳам эртаги картошка, сабзавот экинларини экиш кечиктирилаётир. Шунингдек, район колхозларида эртаги карам экиш плани бажарилмади. 110 гектар ерга бақлажон, гаримдори, укроп ва шу каби резавор экинлар экиш планлаштирилган эди. Аҳоли исте'моли учун зарур бўладиган бу экинларни менсимаслик натижасида улар фақат 15 гектарга экилди. Ўртаги экинлар экишга ҳам тайёргарлик кучайтириб юборилмаган.

Умуман олганда, Тошкент районидаги колхозларда эртаги картошка, сабзавот экиш судралмоқда. Бу ҳол эртаги экинлар экиш планининг бажарилишини жиддий хавф остида қолдиради. Район партия комитети, район ижроия комитети ва МТСларнинг раҳбарлари зарур чораларни кўриб, эртаги картошка ва сабзавот экиш планининг сўзсиз бажарилишини та'минлашлари зарур.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Инглиз энергетиклари Москвада

Лорд Ситрин бошчилигида Москвага келган Англия энергетиклари делегацияси 18 апрель эрталаб СССР Электростанциялар министрлигида бўлди. Бу ерда делегацияни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Электростанциялар министри Г. М. Маленков қабул қилди. У англияли меҳмонларни самимий табриклади ва сизларнинг СССРда бўлишингиз кўнгилли ҳамда фойдали бўлади, деб умид билдирди. Г. М. Маленков Электростанциялар министрлигининг раҳбар ходимларини инглиз энергетиклари билан таништирди. Лорд Ситрин ҳам делегация а'золарини ҳозир бўлганлар билан таништирди. У, делегация Москвада яхши кутиб олинганлиги учун миннатдорчилик изҳор қилди.

— Кеча Внуково аэродромидаёқ, — деди у, — мен кутиб олувчиларнинг чеҳраларидаги табассумни кўриб ўзимни уйимдагидай ҳис қилдим.

Сўнгра англияли меҳмонлар Совет Иттифоқида энергетиканинг тараққиёти билан таништирилди. Делегация а'золари электростанцияларнинг ишига, электр қувватининг таннархига, янги гидроэлектростанциялар қурилишига доир хилма-хил масалалар билан қизиқдилар.

Кундуз куни СССР Электростанциялар министрлиги англияли меҳмонлар шарафига зиёфат берди.

Тушдан кейин Англия энергетиклари делегацияси Москва энергетика саноати корхоналарини бориб кўрди. Делегация а'золарининг группасидан бири 20-нчи теплоэлектроцентральда бўлди. Бу ерда уларни теплоэлектроцентраль директори С. Д. Кузнецов ва бош инженер С. Л. Пионтковский кутиб олдилар. Техника кабинетидаги асбоб-ускуналар меҳмонларнинг э'тиборини жалб қилди. Корхона ходимлари бу хил кабинетлар кўпгина бошқа электростанцияларда ҳам мавжудлигини ва уларнинг янги кадрлар тайёрлашда катта ёрдам бераётганлигини айтдилар. ТЭЦ ходимлари инглиз энергетикларини табриклаб кутиб олдилар. Қозон цехидаги қизил алвонга «Яшасин Англия ва СССР халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги!» деган сўзлар ёзилган эди. Бу цехда делегатлар қозон машинисти ёш қиз Екатерина Мануйлова билан суҳбат қилдилар. У, меҳмонларнинг саволларига жавоб бериб, етти йиллик мактабни тамомлаганидан кейин бу ерга келганлигини, уч йил ичида касб эгаллаганлигини ва бир йилдан буён машинист бўлиб ишлаётганлигини айтди. Ускуналарни бошқариб турадиган бош щит ўрнатилган залда англияли меҳмонлар щит навбатчиси Евдокия Епифанова билан гаплашдилар. У совет хотин-қизларидан инглиз хотин-қизларига салом топширишни сўради.

ТЭЦни кўриш тамом бўлганидан кейин делегация бошлиғи лорд Ситрин яхши изоҳлар берилганлиги учун делегатларнинг ҳаммаси мамнун эканлигини айтди. Корхона ходимлари англияли меҳмонлар билан самимий ҳайрлашиб қолдилар.

Англия энергетикларининг иккинчи группаси 11-нчи ТЭЦни бориб кўрди.

Кечқурун Англия энергетиклари делегациясининг а'золари Большой театрда «Бочасарой фонтани» балетини тамоша қилдилар. Театрда меҳмонлар билан бирга Г. М. Маленков, СССР Электростанциялар министрлигининг раҳбар ходимлари, иқтисодий алоқалар бош бошқармасининг бошлиғи К. И. Коваль, шунингдек Буюк Британиянинг СССРдаги муваққат ишлар вакили С. К. Парротт жаноблари ҳам бор эди. (ТАСС).

Корейс халқи В. И. Ленин туғилган куннинг 86 йиллигини нишонламоқда

ПХЕНЬЯН, 19 апрель (ТАСС). Корея Халқ-Демократик Республикасининг жамоатчилиги Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 86 йиллигини кенг нишонламоқда. Кеча Пхеньянда пойтахтдаги ишчилар, хизматчилар ва олий ўқув юртлари ўқувчиларининг бу муҳим кунга бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

Заводларда, фабрикаларда, қурилишларда ва ўқув юртларида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ва Совет давлатининг асосчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг йўлбошчиси В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида суҳбатлар ўтказилмоқда. Ҳамма жойда В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида, совет халқининг коммунизм қуриш учун олиб бораётган кураши ҳақида, КХДР ва Совет Иттифоқи Халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик тўғрисида ҳикоя қилувчи фотовиставкалар ташкил қилинмоқда. Кинотеатрларда В. И. Ленин тўғрисидаги кинофильмлар кўрсатилмоқда.

Японияда Биринчи май кунини байрам қилишга тайёргарлик

ПЕКИН, 18 апрель. (ТАСС). Токио радиоси эшитдирган хабарга қараганда, Биринчи май куни байрамини ўтказиш учун Япониядаги энг йирик касаба союз бирлашмаларининг вакилларидан иборат қилиб тузилган комитет меҳнаткашлар халқаро байрамини қайтадан қуролланишни тақиқлаган конституциянинг қайтадан кўриб чиқилишига қарши, атом ва водород бомбаларининг синаб кўрилишига қарши, сайлов қонунининг ўзгартирилишига қарши порозилик билдириш шиорлари остида ўтказишга қарор қилган.

Токиода Биринчи май митинги император саройи олдидаги майдонда ўтказилади. Бу митингга 500 мингга яқин киши қатнашса керак деб кутилади.

БОЛГАРИЯ ХАЛҚ МАЖЛИСИНИНГ СЕССИЯСИ

СОФИЯ, 18 апрель (ТАСС). Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлисининг V фавқулодда сессияси кеча ёпилди.

Мажлисда раислик қилучи Халқ мажлиси Бюроси раисининг ўринбосари Г. Атанасов ахборот бериб, министрлар совети раиси Вилко Червенковдан ариза тушганлигини, аризада у ўзини нотўғри иш методларига йўл қўйганлиги, бу хил иш методлари давлат ишларига ма'лум даражада путур етказганлиги сабабли министрлар совети раиси вазифасидан озод қилишни сўраганлигини айтди. Сессия Вилко Червенковни Министрлар совети раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди.

Депутат Тодор Живков Болгария коммунистик партияси Марказий комитетининг, Ватан фронти миллий кенгаши бюросининг ва Болгария коммунистик партияси ҳамда Болгария деҳқончилик халқ союзи парламент группаларининг топшируви билан, Болгария Халқ Республикаси Министрлар совети раиси қилиб Антон Юговни сайлаш тўғрисида таклиф киритди. У Антон Юговни Болгария ишчилар синфининг содиқ фарзанди, коммунистик партиянинг ишига садоқатли, партия, давлат ва хўжалик ишларида катта тажрибага эга бўлган ходим деб та'рифлади.

Халқ мажлиси Антон Юговни якдиллик билан Министрлар совети раиси қилиб сайлади.

Сўнгра Халқ мажлиси делегациясининг Совет Иттифоқига қилган сафари тўғрисида делегация раҳбари Фердинанд Козовский доклад қилди. Ф. Козовский ҳамда депутатлардан Христо Даскалов ва Николай Георгиев совет халқининг коммунизм қуришда эришган муваффақиятлари тўғрисида, халқ мажлисининг делегацияси СССРда самимий кутиб олинганлиги ҳақида сўзлаб бердилар.

Сессия якдиллик билан декларация қабул қилди. Халқ мажлиси бу декларацияда делегацияга ва бутун болгар халқига кўрсатилган қардошларча чуқур дўстлик хислари учун совет халқига қизғин ташаккур изҳор қилди.

Министрлар совети раиси Антон Юговнинг таклифига биноан Халқ мажлиси ҳукумат составига қуйидаги ўзгартишларни киритди: Георгий Чанков Министрлар совети раисининг биринчи ўринбосари ва Давлат план комиссиясининг раиси қилиб, Георгий Трайков Министрлар совети раисининг биринчи ўринбосари қилиб, Райко Дамянов Министрлар совети раисининг ўринбосари ва қурилиш ҳамда архитектура давлат комитетининг раиси қилиб, Иван Михайлов Министрлар совети раисининг ўринбосари қилиб, Вилко Червенков Министрлар совети раисининг ўринбосари қилиб, Карло Луканов Министрлар совети раисининг ўринбосари ва Ишқаи ҳамда ишчи кучлар комитетининг раиси қилиб тасдиқландилар.

Сессияда министрлар совети раиси Антон Югов нутқ сўзлади.

Қашмир масаласининг БМТ ва Бағдод пакти кенгаши сессияси муҳокамасига қўйилиши

КАРАЧИ, 18 апрель (ТАСС). «Дон» газетасининг хабарига қараганда, Покистон ташқи ишлар министрлигининг расмий вакили кеча баёнот бериб, Покистон ҳукумати ўзининг БМТ даги доимий вакилига Кашмир масаласи юзасидан «Хиндистон билан Покистон ўртасида бевосита олиб борилган музокаралар муваффақият қозонмаганлигини» Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ма'лум қилиш ҳақида ва бу масалани яқин вақт ичида яна муҳокама қилишга киришишни талаб этиш тўғрисида кўрсатма берди, деган.

«Дон» газетасининг му'табар доираларнинг баёнотларига асосланиб ёзишича, Бағдод пакти кенгашининг ҳозирги вақтда бўлаётган сессиясида бу ҳарбий гуруҳнинг қатнашчилари Кашмир масаласини муҳокама қиладилар.

АҚШ Бағдод пактининг иқтисодий комиссиясига а'зо бўлиб кирди

ТЕҲРОН, 18 апрель. (ТАСС). Бугун Бағдод пакти кенгашининг эрталабки мажлиси охирида матбуот вакилларига ахборот берилиб, АҚШ Бағдод пактининг иқтисодий комиссиясига а'зо бўлиб кирганлиги айтилди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА
21 апрельда
В. И. Ленин туғилган кунининг 86 йиллигини нишонлаб
БЎРОНДА
Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади.

ТЕАТРЛАРДА:
ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 20, 21/IV да янги спектакль **Холисхон.**
НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/IV да **Тоҳир ва Зуҳра.** Спектаклда: СССР халқ артисти **Ҳалима Носирова,** Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Назира Аҳмедова, Карим Зокировлар** қатнашади. Спектакль кеч соат 8 да бошланади.
МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/IV да **Азиз ва Санам,** 21/IV да **Сингиллар қиссаси.**
ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:
СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 10 ярим ва кундуз 12 да). «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 3 ва кеч 5 да) — янги ҳужжатли фильм **Владимир Ильич Ленин.**
«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Йўллар ва истиқболлар.**
ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:
«ВАТАН» — **Икки капитан.**
«ИСКРА» — **Румянцевнинг иши.**
«УДАРНИК» — **Волга-Волга.**

ЮҚУМЛИ ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ЭМЛАШ ТЎҒРИСИДА

МЕҲНАТ КАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

мажбурий фармойиши

1956 йил 4 апрель № 1 Тошкент шаҳри

Тошкент область аҳолиси ўртасида юқумли ичак касалликларига қарши курашиш учун, Область ижроия комитети қуйидаги мажбуриятларни юклатади:

1. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги тасдиқлаган 1950 йил 1 ноябрь тарихли амалдаги инструкцияга мувофиқ эмланиши лозим бўлган кишилар юқумли ичак касалликларининг олдини олиш мақсадларида 1956 йил 1 июньгача эмлансин.

2. Корхона ва муассаса раҳбарлари, колхоз, қишлоқ ва посёлка Советларининг раислари аҳоли ўртасида эмлаш ишларининг ўтказилиши учун бутун шароитни яратиб берсинлар.

3. Юқумли ичак касалликларининг олдини олиш учун ўтказиладиган эмлашдан бош тортган кишилар 100 сўмгача штраф тўлашга ёки 1 ойгача муддат билан мажбурий ишга тортилсин.

ЭСЛАТМА: Медицина жиҳатидан озод қилинган кишиларгина эмланмайди.

4. Шу мажбурий фармойишнинг бажарилишини контроль қилиш область-нинг эпидемияга қарши курашучи санитария ходимларига юклансин.

Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари
М. МИРЗАБЕКОВ.

Тошкент область ижроия комитетининг секретари
Х. ҚОБИЛОВ.

Калинин район, Молотов қишлоқ советида туручи **Аҳмад Абубакировнинг** шу район ва қишлоқ советидаги Генерал Раҳимов номли колхозда туручи Рихси Йўлдошева-Абубакировадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район, 1-нчи участка халқ судида кўрилади.

Перекопская кўча, 3-нчи уйда туручи **Раҳила Ибрагимовна Загидулинанинг** Олтинтепа кўча, 60-нчи уйда туручи Шамил Хайрулович Загидулиндан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 013718. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1418.